АДОЛАТ КУЧЛИ, КУЧ ЭСА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Адолат

Ўзбекистон «Адолат» социал - демократик партиясининг газетаси

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

1995 йил, 14 октябрь, № 28

Шанба кунлари чиқади • Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 октябрь куни АҚШ Савдо вазирлиги маслаҳатчиси, АҚШ маъмуриятининг МДҲ давлатлари билан энергетика ва савдо соҳаларида ҳамкорлик масалалари бўйича вакили Ян Калицки бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Ўзбекистон ҳукумати АҚШ билан турли соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришга тайёр,— деди Президент Ислом Каримов учрашувда.— Зеро, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжуддир.

Мамлакатимиз раҳбари Ян Калицки бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи мазкур имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлади ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожига янги куч бағишлайди, деб умид билдирди.

Ян Калицки Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бераётганини айтди. У ўзи раҳбарлик қилаётган делегация айнан шу мақсадда Ўзбекистонга ташриф буюрганини қайд этиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланиб бораётгани ўзаро ҳамкорлик ривожига пухта замин бўлишини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари У. Султонов, К. Ҳаққулов ва Ю. Пайгин иштирок этди.

Қабул чоғида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ҒАЛЛА ЭКИШ ТУГАЛЛАНДИ

Мамлакат ғалла мустақиллигига эришишга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида меҳнат қилаётган Фарғона вилояти деҳқонлари кузги дон экишни ниҳоясига етказдилар. 102 минг гектар ерга буғдой ва арпанинг серҳосил ва эртапишар навлари экилди. Айни пайтда 50 минг гектар майдондаги ғаллага дастлабки ишлов бериш бошлаб юборилди.

(ЎзА).

Бугунги сонда

2-бет:
- Ҳаромдан ҳазар қилмаганлар
- Ваъдалар «болалаб» кетди. Нега?

3-бет:
- Сохта «муҳаббат»га алданманг, қизлар!
- Қориндаги илон

4-бет:
- Ўзингизни биласизми?
- Безовта кўнгил фарёди

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• 10 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби Вильгельм Хойнкни қабул қилди.

* * *

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Атроф-муҳитни қайта тиклаш» мавзуидаги халқаро семинар қатнашчиларига табрик хати йўллади.

* * *

• 12 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Стенли Туэмлер Эскудеро ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси лойиҳаси тўғрисида»ги қарорига биноан ушбу кодекс лойиҳаси халқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинди.

* * *

• Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов 10 октябрь куни Индонезия Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, доктор Суджуди раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

* * *

• 7 октябрь куни Қоҳирада Ўзбекистон Республикаси элчихонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

* * *

9 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак қабулида бўлди.

А. Комилов Миср Президентига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мактубини топширди.

* * *

• Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назиров (Ҳаким Назир) Президент Фармонига кўра Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисми лойиҳаси тўғрисида»ги қарорига биноан кодекс лойиҳаси халқ муҳокамаси учун «Ҳаёт ва қонун» журналида эълон қилинадиган бўлди.

* * *

• 11 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида республика эпидемияга қарши фавқулодда комиссиясининг йиғилиши бўлди.

Йиғилишни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

* * *

• 10-11 октябрь кунлари Тожикистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари М. Убайдуллоев бошлиқ шу давлат ҳукумат делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Пировардида, Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш ҳақида меморандум қабул қилинди.

* * *

• 12 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни имзолаш маросими бўлди.

* * *

• Республика Вазирлар Маҳкамасида 12 октябрь куни мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига бағишланган мажлис бўлди. Уни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

* * *

• 12 октябрь куни Тошкентда «Хусусийлаштириш ва бозор муносабатларини ривожлантириш йўллари» мавзуидаги халқаро семинар ўз ишини якунлади.

* * *

• Ўзбекистон халқлари тарихи давлат музейида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этиш масалаларига бағишланган илмий сессия иш бошлади. Уни Ўзбекистон Фанлар Академияси ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими уюштирди.

• *Партия ва ҳаёт*

«АДОЛАТ»ГА ХАЙРИҲОҲЛАР КЎП

Улар ҳали сафларимизни янада тўлдиришади,— дейди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Боғдод туман Кенгашининг биринчи котиби Бахтиёржон МАҲКАМОВ

— Бахтиёржон, туман партия Кенгашининг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Айни пайтда унинг олдида қандай муҳим вазифалар турибди?

— Дарҳақиқат, партия ташкилотимиз энди оёққа турмоқда. Бошқачасига айтганда, ўзининг қизғин иш фаолиятини бошлашга киришаяпти. Бундай пайтларда ўзингиз биласиз: асосий ишлар кўпроқ ташкилий вазифалардан иборат бўлади. Уни қанчалик пухта ва аниқ ташкил этиш, мутахассисларни жой-жойига қўйиш, айниқса, алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам вилоят партия Кенгашида яқинда бўлиб ўтган йиғилишда қўйи партия ташкилотларининг амалий фаолиятини кенгайтириш учун қандай ишлар қилиш зарурлиги тўғрисида ўзимнинг таклифларим билан чиқдим. Бу борада олдимизда турган вазифаларга тўхталдим. Уларни вақтида амалга ошириб улгурсак, ўзимизнинг ташкилий масалаларимизни пухта ва аниқ ҳал этсак, шубҳа йўққи, туман партия Кенгашлари яқин орада ўзининг қаддини ростлаб олади.

— Маълумки, партия ташкилотининг асосини кўпроқ унинг қўйи бўғинлари ташкил этади. Боғдодда бу борада қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Гарчанд сон жиҳатидан ўсишга энди эришаётган бўлсак ҳам, сафимизга қўшилиш истагида бизга мурожаат этаётганлар кўпайиб бормоқда. Партия сафларига қабул қилиш жараёнида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Низоми ва Дастурида белгилаб берилганидек, шошма-шошарликка йўл қўймаяпмиз. Кўпроқ, иймон-эътиқодида собит, ўз ишига мустаҳкам, партияга сидқидилдан кўнгил боғлаган талабгорларни сафимизга тортишга эришаяпмиз. Айни пайтда туман партия ташкилотининг ҳисобида 600 нафардан зиёд партия аъзоси қайд этилган. Албатта, бу бошланиши. Туманимизда «Адолат»га хайриҳоҳлар кўп. Улар ҳам сафларимизга бирлашишса, партия ташкилотимизнинг нуфузи янада ортади, амалий фаолияти кенгаяди. Ишларимизни йўлга қўйишда туманимиз ҳокими, Олий Мажлис депутати Абдуқаҳҳор Абдусаматовнинг амалий ёрдами ва мадади катта бўлмоқда. Яқинда вилоят «Агромашсервис» бирлашмасига қарашли Боғдод ихтисослаштирилган корхонасида, яъни котиблик билан бир қаторда ўзим раҳбарлик қилаётган жамоада бошланғич партия ташкилотини туздик. Унга бирлашган етти нафар партия аъзоси Кенгашимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларни бажаришга киришди. Яқин ойлар ичида бундай бошланғич партия ташкилотларининг сони ортиб кетади. Чунки кўпчилик партиямизга катта қизиқиш билан қарамоқда. Меҳнат жамоаларида бўлиб ўтаётган учрашувларда унинг халқчил, адолатли партия эканлиги ҳақида ўзларининг самимий фикрларини билдирмоқдалар. Асосий мақсад ва муддао ҳам аслида шу: халқ орасида кўпроқ бўлиб, одамларга яқиндан ёрдам бериш.

Суҳбатдош: Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири.

ҲАМКОР ВА ҲАМЖИҲАТ

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида «Адолат» социал-демократик партиясининг туман Кенгаши тузилганлигига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо жонкуяр фаолларнинг тарғибот ва ташвиқот ишларини яхши йўлга қўйганлиги туфайли бу ерда сезиларли даражада ўзгаришлар бўлмоқда.

— Дастлаб сафимизда 49 нафар аъзо бор эди, — дейди туман Кенгашининг биринчи котиби Абдуҳамид Сафоев. — Аъзоларимизнинг сиёсий доираларда фаол иштирок этиб, жойлардаги корхона ва ташкилотларда, маҳалла кенгашларида тарғибот ишларини йўлга қўйганлиги туфайли, эндиликда партиямиз сафи ишбилармон, тадбиркор ва сиёсий етук кишилар билан бойиди. Ҳозирги кунда 1000 нафардан ортиқ аъзоларимиз туманда иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Муҳими, туман ишлаб чиқариш ташкилотларида ҳам партиямиз Низом ва Дастури қизиқиш билан ўрганилиб, унинг сафига қўшилиш истагини билдирувчилар ортмоқда. Айни пайтда 10 та корхонада бошланғич партия ташкилотлари тузилди. Худди шундай истак билан «Орзу», «Малика» ва бошқа кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарининг ишчи ва хизматчилари ҳам «Адолат» социал-демократик партияси сафига киришни сураб мурожаат қилишмоқда.

Туман партия Кенгашининг фаоллари ана шундай аризаларни чуқур таҳлил этиб, ҳар жиҳатдан ўрганиб, ишчилар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказиб, қабул қилишни йўлга қўймоқдалар. Шунингдек, айни пайтда Кенгаш фаоллари ҳокимлик мутаасддилари билан ҳамкорликда тумандаги барча жабҳаларда қилинаётган ишларда яқиндан иштирок этишмоқда. Айниқса, ободонлаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари кенгаш аъзоларининг диққат-марказида турибди.

Ҳа, «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман Кенгаши аъзоларининг бугунги бозор иқтисодиёти шароитида туман аҳли билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб қилаётган ишлари бисёр. Аммо уларнинг келгуси режалари ҳам кам эмас.

Оқил АБДУАЗИМОВ,
«Адолат» мухбири.

• *Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг олти йиллигига*

ҚОНУН—ХАЛҚНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ

ёки она тилига ҳурмат-эътибор миллий қадрнинг узвий томонидир

«Ватан — ҳаммамизники!» — дейдилар юртбошимиз Ислом Каримов. Ҳақ гап! Илло, ҳаммамизнинг бу ватанга бўлган ҳуқуқимиз ҳам тенгдир. Уни обод, элини озод, эркин кўрмоқ, шу йўлда ишламоқ, фикрламоқ, яшамоқ — ҳар биримизнинг ҳаёт тарзимиз ва бахтимиздир. Фарзандларимизга обод ва озод Ватан қолдириш лозим, деганларида юртбошимиз юз бор ҳақдирлар.

Она Ватаним — ўз Она тилим билан янада ғўзалроқдир.

Академик ёзувчи Ойбек бошқа тилларни ҳеч бир камситмаган ҳолда ўзбек тилининг бой, чиройли ва қудратли тил эканини самимият билан кўрсатиб берган эдилар. Адиб ўзининг «Навоий» романида бош қаҳрамон номидан гапириб, «тилимизнинг афзаллиги биз учун улуғ ҳақиқатдир. Биз ғўдакликда бу ҳақиқатнинг ишқини кўнглимизга жо қилганмиз, улғунимизча сақлаймиз. Шаҳарларни, қишлоқларни, саҳро ва тоғларни тўлдирган эл-улусимиз, уруғ-аймоғимиз бор, унинг ўз завқи, фаҳми, идроки бор. Биз элимизнинг завқини, табиатини назарда тутиб, унинг ўз тилида қалам сурайликки, унинг кўнгли фикр гуллари билан тўлсин. Туркона соз билан тараннум этайликки, элнинг юраги мавжга келсин. Сўз гулшанидан ўзга эллар қаторида бизнинг элимиз ҳам баҳраманд бўлсин», деб ҳитоб қилган эди.

Энди ўз она тилини севган ва уни юксакликка кўтариб ардоқлаган инсонларга «миллатчи» деган машъум тамға босилмайди. Аксинча, номигагина ўзбек бўлган, аслида ўз она тилини унутган, ўз она тилисида ёзишни, ҳатто гапиришни ҳам билмайдиган айрим ватандошларимизнинг кўзи очиб қўйилади. Дарҳақиқат, ҳаётда шундай ношукур шахслар ҳам учрайдики, миллати ўзбек, яшаш жойи Ўзбекистон, лекин ўзбек тилини билмайди, билишни ҳам истамайди.

Шуниси аниқки, эндиликда тилимизни камситиш ва ҳўрлаш асло такрорланмайди. Чунки республикамизнинг мустақилликка эришиши ва ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши натижасида озод ўлкамизнинг барча фуқароларига истаган тилларига нутқ сўзлашга, маъруза қилишга тўлиқ эркинлик яратилди.

Бироқ, кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, сўнгги вақтларда баъзан тилимизни бойитиш ва унинг софлигини таъминлаш баҳонасида тушунилиши қийин бўлган ҳар хил сўз ва атамалар ясашга уриниш ҳоллари ҳам содир бўлди. Ёки тилимизга сингиб, ўз сўзимизга айланиб қолган баъзи бир байналмилал сўз ва иборалارни истеъмолдан суриб чиқаришга интилиш қайфиятлари ҳам учрайди.

Ҳар бир халқнинг миллий маросимлари ва урф-одатлари ўша халқ тарихининг кўзгусидир. Ота-боболаримиздан қолган бир гап бор: «Ҳар қандай халқнинг урф-одатларини билай десанг, аввало унинг тилини билишга урин». Дарҳақиқат, бу ҳақ гап. Чунки инсон тафаккури ва тажрибасининг боқий хазиналари минг йиллар оша тилда жамланади ва у абадул-абад яшайди.

Асрлар давомида таркиб топган ўзбек тилини тиклаш, тараққий эттириш ва такомиллаштириш учун бутун чораларни кўрмоқ, она тилимизда илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий атамалар яратишни қатъий йўлга қўймоқ зарур. Тўғри, бу борада жуда кенг қуламда ишлар олиб бориляпти. Лекин, дарслик ва қўлланмаларимизда хилма-хилликлар мавжуд.

Китобдаги хато ва камчиликларга йўл қўйилса, унда нима бўлади? Наҳотки, айрим ноширлар шундай эътиборсиз бўлсалар? Ўқитувчи бошқача тушунтирсаю, китобда бошқача бўлса?

Бугун мустақиллигимизнинг 5 йиллигига дадил қадам қўйиганимизда, истиқлол барча жабҳа сингари, тилда ҳам мустақилликка эриша бораётганимизни мамнуният билан эътироф этиш лозим.

Тилга эътибор давлат иши даражасига кўтарилгани, махсус ҳукумат комиссияси бу борада серунум иш олиб бораётгани атамақўм ишлаб тургани бу фикрнинг далилидир.

Тил — жонли мавжудотдир. Бу ўринда уни дарахтга қиёс қилсак бўлади. Ўзбек тили узоқ йиллар давомида рус тилидек улкан чинор соясида қолиб келгани, яъни офтобдан бебаҳра бўлгани сабабли нимжон, рангпар ниҳолга айланиб қолган эди. Мана мустақиллик туфайли тил дарахтимизга офтоб тегди. Энди уни узоқ йиллик соя асоратидан халос қилиб, тарбиялаб, чиниқтиришимиз, улкан дарахтга айлантиришимиз чораларини кўришимиз керак.

Ишларимизда ҳануз нуксонлар учраб туришини тан олишимиз ва уни бартараф этиш чораларини зудлик билан кўриш зарур. Фуқароларимиз томонидан ўз тилини ва ўзга давлат тилини яхши билиш айни муддао бўлади. Сабабким, ҳозирги шароитда, жаҳон ҳам жамиятига юзтутаётганимизда уни таърифи ортиқчадир.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси «Давлат тили тўғрисида»ги қонунга тўлиқ ўтиш ва унга амал қилишни таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриб келди.

Республика Бош прокурорининг прокурорлик назоратининг соҳалари бўйича 20 дан ошиқ буйруқ ва низомлари, барча раҳбарий курсатмаларини давлат тилида тайёрлаб жойларга юборишга эришилган. Иш юритишлар, бўлаётган барча анжуманларни қонун қабул қилинган кундан бошлаб ҳаётга татбиқ қилина бошлаган.

Русизабон ходимларимиз учун «Ўзбек тилини ўрганамиз» курсининг машғулотларини доимо режа асосида ўтказиб, тегишли, кутилган натижаларни қўлга киритдик. Республика прокуратураси томонидан Конституция ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонундан келиб чиқиб, бошқа қонунлар қаторида мазкур қонунни жойларда ижросини ва бажарилишини доимо назорат қилиб турди.

Қонун талабларини бажармаган, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини камситган бир қатор мансабдор шахсларга нисбатан таъсир чоралари кўрилди, жумладан, уларнинг аксарияти прокурорлик ташаббуси билан интизомий жавобгарликка тортилдилар. Шаҳар ва туман прокурорлари мутасадди ташкилотларга қонуннинг ҳаётга татбиқ қилинишига тўсқинлик қилаётган ҳолатларни бартараф этиш, бу жараёнини тезлатиш борасидаги чоратадбирлар ҳақида тақдимномалар ва ахборотномалар киритдилар.

Бугунда ҳам прокуратура органларининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг жойларда бажарилишини назорат қилиш фаолияти Республика прокуратураси марказий маҳкамаси томонидан алоҳида назоратга олинган.

Қонун-халқнинг ҳоҳиш-иродаси. Шу сабабли уни эъзозлаш, унга риоя этиш ва ўла бажаришлик барчамиз учун қарз ҳам фарздир.

Абдулла МАМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бошқарма бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.
Муҳаммадали ТОШТЕМИРОВ,
Республика прокуратурасининг бўлим прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

• *«Обуна— 96»*

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

1995 йил 1 октябрдан бошлаб республика «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетасига обуна бошланди. Сиз газета саҳифаларида ҳар доимгидек келаси йилда ҳам энг қизиқарли, энг долзарб, энг ўткир мақолалар, фельетонлар, суд очерклари, ахборотлар, янгиликлар, эълон ва билдирувлар билан танишасиз. «Ойнаи жаҳон»да сизни қизиқтирган ЎзТВ, РосТВ, ҚозТВ дастурлари газета саҳифалари орқали хонадонингизга кириб боради.

ОБУНА БАҲОСИ:

Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистонда:

якка тартибдаги обуначилар учун:
6 ойга —162 сўм 90 тийин, 12 ойга —324 сўм.

ташкилотлар учун:
6 ойга —186 сўм, 12 ойга—372 сўм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА:

якка тартибдаги обуначилар учун: 6 ойга 132 сўм, 12 ойга 264 сўм.
ташкилотлар учун: 6 ойга 204 сўм, 12 ойга 372 сўм.

Нашр кўрсаткичи: 64597 (якка тартибда), **64598** (ташкилотлар учун).

Ёдингизда бўлсин, «Адолат» энг оммавий, энг арзон газетадир. Унга ҳар доимгидек келаси йилда ҳам

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

«Адолат» сизнинг энг севимли ҳамроҳингиз бўлсин!

Самарқанд туманидаги «Заршет» фирмасининг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай бу ерда қисқа даврда аҳолининг талаб ва истакларини қондириш, истеъмол бозорини тўлдириш борасида муҳим қадамлар ташланмоқда. Чунончи, эндиликда «Заршет» фирмаси қошида тикувчилик цехи, новвойхона, чойхона, сартарошхона, озиқ-овқат ва хўжалик моллари дўкони мунтазам ишлаб турибди. Муҳими, фирма амалга ошираётган ишлар туфайли, ишсизликка анча барҳам берилди. Айни пайтда мазкур цехларда 50 дан ортиқ киши доимий иш билан таъминланган.

Суратда: тикувчилик цехининг илғор ишчиси Азиза Тўраева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 13 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(ФОИЗ ҲИСОБИДА)

биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён

АНДИЖОН	0,55	105,93
Хоразм	1,06	98,09
Наманган	1,15	94,01
Фарғона	1,04	92,23
Навоий	1,50	89,78
Бухоро	1,00	88,98
Тошкент	1,81	82,41
Қашқадаре	1,78	81,33
Қорақалпоғистон Республикаси	1,02	74,23
Сурхондаре	1,12	73,59
Самарқанд	1,56	73,46
Сирдаре	1,81	70,32
Жиззах	2,00	68,91
Республика бўйича	1,33	83,72
1994 йилда	1,78	74.89

• Иқтисодий ислоҳотлар йўлида

ҚЎШМА КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Турақурғонда кейинги йилларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йул очилмоқда. Ўнлаб кичик ва хусусий корхоналар ишлаб турибди. Туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликдаги қўшма корхона маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда. Яқинда туманда яна бир қўшма корхона ўз фаолиятини бошлади. Булгориялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қурилган ва энг замонавий технологияга асосланган ун тегирмони, шунингдек, Булгорияда тайёрланган юклагич тракторларини таъмирлашга ихтисослашган цех Турақурғон трактор таъмирлаш заводига жойлашди. Юзлаб турдаги кенг халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаб тилга тушган мазкур завод жамоасида янги корхона катта иқтисодий самара келтириши шубҳасиз.

Қўшма корхонанинг очилишига бағишланган маросимни туман ҳокими Оманулло Исматуллаев очди. Наманган вилоят ҳокими Бургутали Рапиғалиев йиғилганларни янги корхона иш бошлагани муносабати билан самимий қутлаб, Булгория билан Ўзбекистоннинг ўзаро алоқалари янада ривожланишига тилак билдирди. Бундай корхоналар вилоятимиз иқтисодиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади, деди у.

Янги қўшма корхона дастлабки маҳсулотларини истеъмолчиларга жўнатди. Вилоят хўжаликларида ишлаб турган юклагич тракторлари эндиликда шу ернинг ўзида таъмирланади.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ, журналист.

• Куз неъматлари

Андижон вилоятининг меҳнаткашлари пахта билан бир қаторда мева, сабзавот ва полиз экинларидан ҳам мўл ҳосил кўтардилар. Андижон туманидаги «Чўлпон» деҳқончилик агрофирмасининг хирмони айниқса, баракали бўлди. Эл дастурхонига сара ва хуштаъм помидор, булғор қалампири ва бошқа сабзавотлар етказиб берилди.

Суратда: «Чўлпон» агрофирмаси ишчилари Баҳромжон Умрзоқов оиласи Муборак опа билан пайкалда булғор қалампири теришмоқда.

Тўрахон ҒОФУРОВ олган сурат.

• Тил билган — эл билар

...ФОЙДАДАН ХОЛИ БЎЛМАСДИ

Маълумки, утмишда ҳар бир давр, ҳар бир замон ҳам узининг жаҳоншумул алломаларини улгайтирган, етиштирган. Демак, илм-маърифат, сўз бойлиги, халқаро алоқалар ҳам ўзига лойиқ қадр топган. Буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳам илм аҳлини юқори даражада қадрлаб, доимо эъзозлаган.

Гап шундаки, ҳозирги даврда кўпчилик йигит-қизларимиз миллий ғурур деганда ўз она тилимизда гаплашиш, ўқиш ва кун ўтказиш деб тушинмоқдалар. Албатта, истиқлол туфайли, давлатимиз раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари натижасида ана шундай улуг-неъматни қўлга киритганлигимиз билан фахрлансак арзийди. Бироқ менинг назаримда, миллий ғурур ва ифтихорни кенг маънода талқин этиб, уни тула маънода англаган маъқул.

Маълумки, ҳозир республикамиз барча соҳада ҳам утиш даврининг оғир паллаларини бошдан кечирмоқда. Куни келиб барча қийинчиликлар ҳам ортда қолиши табиий. Аммо ана шу қийинчиликларни тезроқ бартараф этиш кўпроқ сизу биз ва ёшларга боғлиқдир. Демоқчиманки, ҳозир шундай яхши бир давр келдики, айниқса, тил урганиш борасида барча қулайликларга, имтиёзларга эгамиз. Муҳими, бу борада имтиёзларнинг кўплиги билан бирга, бошқа давлатлардаги сингари пуллик бўлмай, балки текинга урганишимиз учун ҳамма шарт-шароит мавжуд.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, истеъмол бозорини маҳсулотлар билан тўлдиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳам тил урганиш ва шу йўл орқали халқаро майдонга чиқиш, давлатлар билан борди-келдини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Айрим, олий ўқув юртларининг техника соҳаларини тугаллаб чиқаётган талабаларнинг аксарияти, тил урганиш борасида замон талабларига ҳамоҳанг эмаслиги кишини ўйлантирмай қолмайди. Ажабланарлиси шундаки, айрим мухандисларимиз на миллий тилимизни, на бошқа тилни тула билишади. Бу эса ёшларга сабоқ берилганда узининг салбий таъсирини кўрсатаётганлиги сир эмас.

Фикримча, ана шу нуқсонларга барҳам бериш ва бу муаммога чек қўйиш учун бундан 20-30 йил илгари мавжуд булган таълим тизимига ўтиш мақсадга мувофиқдир. Яъни 3-курсдан бошлаб техника, тиббиёт ва бошқа соҳалари мавжуд булган олий ўқув юртларида, коллежларда дарсларни нафақат ўзбек, инглиз тилида балки бошқа тилларда ҳам олиб бориш ўринлидир. Бунинг учун таълимнинг барча жабҳаларида — боғчадан тортиб олий ўқув юртларигача қайта ислоҳот зарур. Яна бир фикр: зиёли инсонга булган талаб оддий фуқарога булган талабдан тубдан фарқ қилмоғи даркор.

Мен ўз ҳаётимдан бир мисол келтирмоқчиман. Талабаликда Минск шаҳрида икки ойлик амалиёт машғулотларида бўлдик. Шундан сўнг Москвада, Киевда дипломолди ишлаб чиқариш машғулотларини утказдик. Бу даврда истайсизми-йўқми, қаерда бўлманг, ўша жойда ишчилар билан маҳаллий тилда мулоқотда бўлишга тўғри келади. Қизиғи шундаки, ана шу даврда рус тилидан ташқари, украин ва бошқа тилларни урганишимизга ҳам имкон тўғилди. Мисолни бекорга келтирмадим. Ҳозирги кунда талабаларимиз амалиёт утказилаётган корхоналарда булишганида амалий машғулотлар чала-чулпа утказилмоқда. Чунки ана шу ердаги мутахассислар ўзбек тилини ҳам, рус тилини ҳам яхши билишмайди. Хўш, энди узингиз ўйлаб кўринг, бўлажак муҳандис бундай ҳолда нимани ҳам ўргана оларди?

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларимни ўртага ташламоқчиман. Биринчидан, ҳар бир факультетда узининг бир неча турдаги тил урганиш кафедраларини ташкил этишни йўлга қўйиш (техник олий ўқув юртлари учун бу айниқса, муҳимдир). Иккинчидан, ишлаб чиқариш ташкилотларида, завод ва фабрикаларда ҳам худди шундай бир неча турдаги тил урганиш курслари мунтазам ташкил этилса, мақсадга мувофиқ келарди.

Хулоса шуки, ҳукуматимиз раҳбарияти республикамизнинг равнақи учун, келажагимиз учун муҳим ишларни амалга ошираётган экан олий ўқув юртларидаги илм аҳли, ишлаб чиқариш ташкилотларидаги мутахассислар юқоридаги муҳим масалага янада жиддийроқ ёндашсак, фойдадан холи бўлмасди. Албатта, бу иш бир кунда, бир йилда тула бажарилиб қолмайди. Лекин ҳозирданоқ, амалий ишга киришилса, куни келиб ўз самарасини бериши табиий. Менимча, ҳамкасбларимиз ҳам фикрларимни қўллаб-қувватлашсалар керак, деб ўйлайман.

Сарвар ҚОДИРОВ, Тошкент автомобиль йўллари институти ректори.

• Луқма

ВАЪДАНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

Ваъдага вафо марднинг иши,—дейди халқимиз. Аммо...

1-турух уруш ногирони Ваҳоб ота Шокиров билан кўп болали қаҳрамон она Тожихон ая Шокирова уйига телефон тушириллганда ҳойнаҳой энди «Тез ёрдам» чақиришимиз осон бўлса керак, деб ўйлаганди. Аммо 15 кишилик хонадоннинг қувончи мана бир ярим йилдирки саробга айланган. 3-69-74 рақамли телефон пули тулганига қарамай миқ этмайди.

Отахон ногирон бўлишига қарамай Жиззах шаҳар телефон-телеграф станцияси ва вилоят электр-алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилиб, қанчадан-қанча калиш йиртди. Аммо... Ваъдалар болалаб кетди: — «Отахон, сиз бемалол уйингизга боравeринг, уйга етмасингизданоқ ишлаб қолади...»

Уруш кўрган муътабар қарияни бир йилу олти ойдан бери алдаш инсофданми? Ёки бу телефон рақамини станциядаги «шов-возлар» бошқа кимгадир сотиб юборишганмикан-а?

Дарвоқе, отахон Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалигининг марказий қўрғонига тўташ жойда — Жиззахлик маҳалласидаги Муҳиддин Эшонқулов кўчаси, 66-уйда яшайди.

Зеро, ваъдабозларга инсоф берса? Отахоннинг телефони жиринглаб кетса...

Анвар ИМОМОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

• Таҳририсиз хат

ТИНЧИМИЗ ЙЎҚОЛДИ

Биз Жиззах шаҳридаги Ивановский кўчасининг 31-а уйида тотувгина яшаб келаётгандик. Аммо уйимизнинг 9-хонадонига Хайриниса исмли аёл кўчиб келди-ю, орадан тинчлик кўтарилиб, ҳаммамизнинг дили хуфтон бўла бошлади.

Хайриниса уй орқасига қурдириб олган хонадан турли милатга мансуб шубҳали эркак ва аёллар аримайди. Бири келиб, бири кетади — бамисоли аэропорт. Туну кун гумбирлаган мусиқа, бақир-чақир. Агар тинчитишга уриниб кўрсангиз, балога қоласиз. Кўракда турмайдиган ҳақорат эшитасиз. Бир-бирлари билан-ку, фақат уятли сўзлар билан гаплашишади.

Ҳозирги кунда унинг хонадонида бегона бир аёл ва эркак ҳам яшаяпти.

Биз Хайринисанинг хурмача қилиқлари тўғрисида милиция участкасига ҳам, шаҳар прокуратурасига ҳам хат йўлладик. Улар озгина тинчлангандай бўлдилар. Аммо сал ўтмай, ҳаммаси бояги аҳволга тушди. Гуё бутун бошли бинода фақат уларгина яшайдигандай.

Бу аҳволда болаларимиз тарбияси нима бўлади?

С. Убайдуллаев, Б. Оқбўтаев, А. Бердиёров, Э. Қубаев, Ш. Маматқулов.

• Маъмурчилик манбаи

ЮРТ КЎЗГУСИ

Қадимдан қолган одатга кўра бирор юртга борган сайёҳ энг аввало, ўша юртнинг бозорини бориб кўрган. Шу орқали ўзи бўлган жойдаги ҳақиқий ҳаёт ва одамларнинг яшаш тарзи тўғрисида дастлабки тасаввурларни ҳосил қилган. Шунданми ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз «Кимни қандай яшашини биламоқчи бўлсанг, аввало бозорини кўр», деб бежиз айтмаган. Республикамиз пойтахтидаги «Қўйлиқ» деҳқон бозори ҳам шундай: турмушимиз кўркига, маъмурчилик манбаига айланиб бормоқда. Мустақиллик ва истиқлол шарофати билан Тошкент шаҳрида рўй бераётган мислсиз ўзгаришлар ҳисобига кун сайин яшнаб, чирой очаяпти. Ундаги дид билан қурилган, бир-биридан қолишмайдиган, бир қарашдаёқ киши эътиборини тортадиган иншоотлар тўлалигича эл хизматида бўлаяпти.

— Рости, бозорларга ҳозиргидек эътибор бўлганлигини ҳеч қачон эслай олмайман, — дейди бозор директори Турсунбой Икромов биз билан суҳбатда. — Давр талаби, замон тақозоси билан кўпчилик бозорлар кенгайиб, узининг асл қиёфасига эга бўлиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шарт-шароитларидан келиб чиқиб, тобора ривожлантирилаяпти, 7-8 йил аввал бу ерда бўлган одам буни айниқса, яхши ҳис этади. Ўша пайтлардаги кичкинагина, тор, асосан чайлага ухшаган бостирмалардангина иборат бўлган «Қўйлиқ» деҳқон бозори эндиликда таниб бўлмас даражада узгариб кетган. Ҳақиқий ноз-неъмат бунёдкорининг, танти деҳқонинг қароргоҳига айланган. Бу ердаги замонавий, энг сўнги лойиҳалар асосида ишланган, «Қўйлиқ»нинг қиёфасига ярашиб турган, такомилига етаётган савдо расталари-ю, дарвозалар ҳамда шоҳбекат бир-бири билан уйғунлашиб, бири-бирини тўлдириб турибди. Келиб-кетувчиларга қатор қулайликлари билан манзур бўлмоқда.

Пештахталар ҳам шунга монанд: ранг-баранг маҳсулотларга бой. Бандидан энди узилган узумлардан тортиб, муаттар ҳиди ҳалигача таралиб турган қовунлар-у, бир тотишда ҳар қандай одамнинг иштаҳасини қитиқлаб юборадиган ширин-шакар ноклар, кирмизи ранг олмалар, шафтоли-ю, олхўрилар, қўйингки, тупроғи олтин ўлкамизда етиштирилган нозне-ъматларнинг ҳаммасини шу ердан топиш мумкин. Улар бозор орқали тошкентликлар дастурхонига етиб бормоқда. Аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондираяпти. Энг муҳими — бозорда доимий харидорларини кўплигида. Шунинг учун ҳам бунинг ерда маҳсулот икки - уч кунлаб туриб қолмайди. Тортиш қуввати учликлилигидан тезда сотилиб кетади.

Яна бир гап. Тошкентдек шаҳри азимда бири-биридан қолишмайдиган бозорлар кўп. Аммо кўпчилик «Қўйлиқ»ни хушлайди. Шаҳарга келишдами, шаҳардан кетишдами, албатта унга бир бор кириб ўтади. Бозорнинг кўпчиликни ўзига тортаётган сири нимада? Бу — харидорлар тили билан айтганда, «Қўйлиқ»нинг бошқа бозорларга нисбатан 20, ҳатто 30 фоиз арзонлигида. Сабаби — бозор энг оммабоп жойга, Тошкент «Халқ йўли»нинг шундоқ қина ёнгинасида жойлашган. Фарғона водийси ва қўшни Тожикистоннинг Хўжанд шаҳри билан боғловчи аксарият транспорт воситалари ҳам «Қўйлиқ» деҳқон бозори орқали Тошкентга кириб келади. Деҳқон учун эса айнан шундай шарт-шароит зарур. Эрталаб олиб келган маҳсулотини кечга қадар бозорда сотиб, манзилига яна қайтиб кетади.

«Қўйлиқ» деҳқон бозорига кўп йиллардан буён Турсунбой Икромов раҳбарлик қилиб келмоқда. Бундан бир неча йиллар аввал у муқобиллик асосида шу вазифага сайланган, саккиз номзод ичида ютиб чиқиб, хизмат вазифасини бошлаганди. Ушандан буён Турсунбой Икромов бозордаги шарт-шароитларни яхшилашга астойдил ҳаракат қилаяпти. Уни тамоман янги қиёфага эга бўлишига куч-тайратини сарфлаяпти.Кейинги йилларда бозордаги савдо ўринлари яна 350 тага кенгайиб, 1143 тага етди.

Юк ташиш хизмати ташкил этилиб, иккита чойхона мижозларга хизмат кўрсата бошлади. Ноннойхона орқали аҳолига иссиқ нон етказиб бериш йўлга қўйилди. Тошкент шаҳри ва Ҳамза тумани ҳокимияти, деҳқон бозорлар Бош бошқармасининг «Савдо-харид уюшмаси» каби мутасадди ташкилотларнинг амалий ёрдами ва мадади билан амалга оширилган бу ишлар, қатор янгиликлардан эндиликда кўпчилик баҳраманд бўлмоқда.

Бозор келгусида янада чирой очади. Унинг «Халқ йўли»га туташган асосий дарвозаси атрофига яна 30 та дукон қурилиб, 7 қаватли, 120 ўринли меҳмонхона ишга туширилади. Демак — муҳим ишлар ҳали олдинда.

Рустам ДОСТОН.

Суратларда: бозор директори Турсунбой Икромов;«Қўйлиқ»нинг ташқи кўриниши; қовун бозорида савдо авжида.

Қозим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

• Адолатнинг қиличи ўткир!

ҲАРОМДАН ҲАЗАР ҚИЛМАГАНЛАР

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ВА ПОРАХЎРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРМОҚДА?

Мазкур мақолада содир этилган ҳар бир жиноят, айниқса, мансабдор шахсларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари жазосиз қолмаслиги, ҳуқуқий жамиятда ҳамма нарсанинг ўз ўлчови, тош-тарозиси борлиги ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Порахўрга типратиканни пора деб берсангиз ҳеч ўйламай тескари ютаркан. Бунинг сабаби шундаки, у диёнатини йўқотиб, нафс, жиғилдон қулига айланган. Олаверади, олаверади, бир кун томогига тиқилиб қолиши, ютолмаслигини билса ҳам тарки одат қилолмайди.

Иштихон туманидаги Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалигида рўй берган порахўрлик, юлғичлик воқеаси вилоят прокуратураси томонидан вақтида фош этилмаганда нопок, тамагир кимсаларнинг иштаҳалари карнай бўлиб, ўзларини ерда эмас, осмонда деб ҳис қилиб юришармиди?

Ўтган йили январь ойида хўжалик ҳудудидаги хонадонларга газ ўтказилармиш деган гап тарқалди-ю, ҳамма тараддудга тушиб қолди. Ўй бекаларининг хурсандчиликлари чексиз эди. Ахир, ободончиликка, қулайликка нима етсин! Хўжалик раиси З. Қиличев бўлажак ишнинг сарф-харажатларини чамалаб, оз эмас — 150 миллион сўм-купон миқдорида пул кетишини аниқлади. Шунча маблағни давлатдан қарз ҳисобига ўзлаштиришга қарор қилинди. Раис аввалига туман агросаноат уюшмаси капитал қурилиш бўлими бошлиғи А. Рузиевга ёрдам сўраб борди. У эса юқорида — вилоят агросаноат уюшмаси капитал қурилиш бўлимида шундай ишни «боплайдиган» яқин кишиси борлигини айтди. У бўлим бошлиғи Э. Наимов экан. Ҳуллас, учровлашиб «келишиб» олишди. Кредит унадиган бўлса, Наимовга 4 миллион сўм-купон миқдорида «хизмат ҳақи» бериладиган бўлди.

Хўжалик раиси порага бериш учун пулни қаердан олишни узоқ ўйлаб ўтирмади. 21 киши номига сохта ведомост тузилиб, кассадан 5 миллион 800 минг сўм-купон миқдорида нақд пул олинди. Шунинг 4 миллион 375 минг сўми Рузиев орқали Наимовга етказилди. 1 миллион 425 минг сўм-купонни эса раис З. Қиличев «бу менинг елиб-югурганларим ҳаққи» дея чўнтакка урди.

Алқисса, қишлоқ хонадонларига табиий газ ўтказиб, кўпнинг ҳожатини чиқарамиз, деган кимсалар, амалда ўз нафсларини ўйлаган эканлар. Суд уларни пора олишда, беришда ва воситачилик қилишда айбдор деб топиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Пора олиш, таъмагирлик қилиш учун лавозимнинг катта-кичиги бўлмайди, ҳамма гап ҳузурингга келган кишини бошқа чора йўқлигига кундиришда экан. Зармитан олтин кони бошқармаси кадрлар бўлими бошлиғи Г. Эшқобилов шундай қоидага амал қилганлиги учун таралла-бедод қилиб юрган эди, охири шарманда бўлди. У 1994 йил 28 февралда бошқармага ишга қабул қилиш учун ариза берган фуқаролар А. Ишмирзаев ва С. Болиқуловдан 400 минг сўм-купон олаётганда тумшутидан илинди.

Юқорида келтирилган ҳар уччала воқеа замирида битта хулоса етади. Лавозимни одамларнинг корига яраб, уларнинг ташвишини енгиллаштириш учун эмас, мол-дунё орттириш учун берилган имтиёз деб тушунадиган кимсаларнинг ҳоли вой. Ахир «Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга соладур», деган нақл бекорга айтилмаган.

Ёш, мустақил давлатимизда уюшган жиноятчиликка, коррупцияга қарши кураш бугун чоралар билан кучайтирилаётганини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Бу эса ўз навбатида фуқароларда жамиятга, ундаги сиёсий тузумга нисбатан ишонч туйғуларини мустаҳкамлайди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бундан уч йил муқаддам республика прокуратураси тизимида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги коррупцияга, юлғичлик ва порахўрлик, талон-торожликка қарши кураш бўлими ташкил этилган эди. Самарқанд вилоят прокуратурасида ҳам бу бўлим муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Рақамларга эътибор б ering: 1994 йилда бир нечта жиноий иш бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилиб, ниҳоясига етказилган бўлса, шундан 5 таси ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятчиликка таалуқлидир. 1995 йилнинг 6 ойида эса 9 та жиноий иш чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар жараёнида содир этилгани аниқланди. Натижада 16 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Бу бежиз эмас. Сабаби, Самарқандда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган қўшма корхоналар, фирмалар, ҳиссадорлик жамиятлари кескин кўпайди. Табиийки, валюта ҳисобини очиб, маҳсулотни четга юбориш ёки товарайирбошлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, текин даромад топишни истаганлар бу ерда ҳам турли қинғир ишларга қўл урмоқдалар. Баъзан юзлаб киши меҳнат қилаётган жамоанинг ризқини сувга оқизиб, юртнинг иқтисодий манфаатларига путур етказиб, бўлса-да, арзон-гаров шартномалар имзоланмоқда.

Шу ўринда «Булунгур» ташқи иқтисодий ассоциацияси раҳбарлари ва уларнинг нопок ишларига шерик бўлган кимсаларнинг вилоят прокуратураси томонидан текширилиб, жавобгарликка тортилганини таъкидламоқчимиз. Уюшма раҳбари Б. Ризаев ва унинг ўринбосари М. Юсупов Туркиядаги «Румлак» фирмаси билан шартнома тузиб, сохта ҳужжатлар асосида кўп миқдордаги қорамол терисини четга чиқариб юборишган. Бу ишда уларга Самарқанддаги стандартлаш ўлчов ва матерология маркази назоратчиси Р. Раббимов томонидан тери хомашёлари стандартга тўғри келмайди деб берган ёзма хулосаси дастак бўлди. Прокуратура ходимлари синчиклаб текширганда тайёрланган терилар бухгалтерияга кирим қилинмаган. «Улғуржи чакана савдо» биржасидан сотиб олинган, банк орқали қайд этилмаганлигини аниқладилар. Қисқаси, қаллоблик фош этилиб, «Булунгур» ассоциацияси раҳбари Б. Ризаев, унинг ўринбосари Ю. Юсупов, Самарқанддаги стандартлаш ўлчов ва метерология маркази назоратчиси Р. Раббимовлар энди қилмишларига яраша жавоб берадилар.

«Фарҳод» тижорат фирмасининг собиқ бош директори Ф. Исматов Москвадаги «Силен» фирмасига 36 та музлаттич ускунаси ва 56 тонна томат пастасини ноқонуний равишда ортиб юборган. Божхонага товар учун 19 миллион 200 минг рубль кўчирилганлиги ҳақида қалбаки ҳужжатларни тақдим этган. Олди-берди жараёнида тушган 5 миллион 452 минг сўм нақд пулга сохта кирим акти тузилиб, кассага қўйилмаган. Ими-жимида узлаштирилиб юборилган. Эҳтимол, фирма раҳбари ҳисоб-китоби ўз қўлимизда юз йил чироқ ёқиб ҳам топиша олмайди, деб ўйлагандир. Аммо давлатга миллион сўмлаб зиён келтирган бу иш ҳам фош этилди.

Давлатни алдаш, кўзбўямачилик, юлғичлик, порахўрлик ташқи иқтисодий фаолият соҳасига ҳам ўз қўланкасини ташлаётгани ва унинг асоратлари ҳақида хулоса чиқаришдан олдин эътиборингизни яна рақамларга жалб қилмоқчимиз. Вилоят прокуратураси томонидан олиб борилган тергов натижасида шу йилнинг олти ойи мобайнида давлатга етказилган зарарнинг 209 минг 229 суми қайтарилди. Шунинг 192 минг 228 суми ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ноқонуний операцияларга, суиистеъмолчиликларга чек қўйилгани туфайлидир. Аммо ҳозирча давлатга қайтаришнинг иложи бўлмаётган миллионлаб сўм зарарлар миқдори-чи? Муҳими, ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида хорижий шериклар билан ўзаро муносабатларга етказилаётган зиён, ишончсизликни қандай изоҳлаш мумкин?

Ишбилармонликни ниқоб қилиб аслида юртнинг бойлигини, материал — хомаше ресурсларини талон-тарож қилишга уринаётган кимсалар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Самарқанд шаҳар тармоқлараро ишбилармонлар уюшмасида катта иқтисодчи бўлиб ишлаган Ш. исмли шахс ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги «уддабурон»лиги билан кўпларни гафлатда қолдириб кетди. У Тошкентда бўлиб ўтган савдо ярмаркасида мижозларга ўзини Россия Федерациясининг Владивосток шаҳридаги «СОВЭС — Приморье» фирмаси вакили деб таништиради. Шу ерда дарҳол «Булунгўршароб» комбинати билан шартнома тузиб еточ-тахта етказиб беришни ўз бўйнига олади. Эвазига комбинатдан 14 минг декалитр шаробни олиб Россияга жўнайди. Лекин суриштирилганда «СОВЭС — Приморье» фирмасининг муҳри босилган 15-рақамли ишонч қоғози сохта бўлиб чиқади.

Олгир «ишбилармон» юкни Владивостокда «ТООВКН» деб номланган бошқа фирмага номерланмаган чиқим ордери билан 61 миллион 116 минг 550 рублга пуллаб, бир йилдан ортиқроқ ўша ерда яшириниб юради. Аммо барибир қўлга тушди.

Вилоят прокуратураси аниқланган ҳар битта жиноят бўйича текширув ишларини сусайтиргани йўқ. Порахўрлик, юлғичлик, коррупцияга қарши кураш муросасиз олиб борилмоқда. Зотан, ёш, мустақил давлатимизнинг иқтисодий манфаатларига, ундаги ислоҳотларнинг умидбахш жараёнларига путур етказиши мумкин бўлган қинғирликлар аёвсиз зарбага учраши аниқ.

А. ШАМСИҚУЛОВ, Самарқанд вилояти прокуратурасининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида коррупцияга, порахўрлик ва талон-торожликка қарши кураш бўлими бошлиғи.

З. ТЎРАҚУЛОВ, «Адолат»нинг ўз мухбири.

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, ВОҚЕАЛАР

• «ПИСКИПЕР-95» Россия АҚШ билан ҳамкорликда утказилаётган тинчликни таъминлаш ҳарбий-ўқув машқларида иштирок этади.

«Пискипер-95» деб номланган ушбу тадбир шу йил октябрь ойи охирида АҚШ ҳудудида булади. Унда ҳар икки томондан 300 тадан ҳарбий аскар иштирок этади.

Бундан бир йил муқаддам эса Россияда «Пискипер-94» деб номланган Россия-Америка ҳарбий ўқув машқлари утказилган эди.

***

• Японияда бир қанча вақтдан буён фаолият кўрсатаётган диний ҳаракат «Аум синрико» сектасининг мудофаа ишлари бўйича бошлиғи Тэцуя Кибэ Токио округ суди томонидан 1 йилга озодликдан маҳрум қилинди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Бу жазо унга жамиятга қарши фаолияти учун берилди.

***

• Салвадорлик собиқ ҳарбийлар гуруҳи мамлакат пойтахтида жойлашган ногиронлар давлат жамғармаси биносини қўлга олди.

Улар бинода ишлайдиган 20 кишини гаровга олиб, мамлакат ҳукуматидан бир қатор ижтимоий кафолатларни талаб қилдилар.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, ҳукумат вакиллари улар билан музокара олиб боришга розилик бергандан сўнг, собиқ ҳарбийлар гаровдагиларни озод қилган.

***

• Покистоннинг саноат ва савдо маркази бўлган Карачи шаҳрида аҳоли еппасига иш ташлади, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Давлат маҳкамалари, ўқув даргоҳлари, дуконлар, банкларда иш тақа-тақ тўхтатилган. Кўчаларда транспорт воситалари қатнови тўхтаб қолган. Ҳукумат биноси ва муҳим давлат идораларини полициячиларнинг кучайтирилган гуруҳлари қуриқлаб турибди.

Карачида юз берган бу нохуш ҳолат сабаблари ҳақида ҳали аниқ маълумотлар йўқ.

***

• Афғонистондаги «Толибон» қуролли гуруҳи мамлакат пойтахтидан 12 километр узоқликдаги Ришхор ҳарбий базасини босиб олишга муваффақ бўлди.

Афғонистон Мудофаа вазирлиги вакилининг таъкидлашича, толиблар Ришхорни қўлга олиш билан ўзларига шаҳарнинг жанубида жойлашган собиқ шоҳ саройи Доруломонга йўл очганлар.

Маълумотларга кўра, ҳукумат қўшинлари «Толибон» гуруҳини Ришхордан Чаросиёб шаҳрига чекинишга мажбур қилган.

***

• РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг маълум қилишича, Москвадаги «Надежда» радиостанцияси бош директори Ирина Королевага номаълум кимсалар ҳужум қилди.

Маълум бўлишича,12 октябрь эрталаб соат 7.30 лар атрофида И. Королева ишга кетаётганида зинада икки нафар номаълум кимса унга ташланган. И.Королева юзидан оғир жароҳат олган. Врачларнинг тахминича, унинг миясі чайқалган.

И. Королева билан бирга ишлайдиганлар содир бўлган ушбу ҳодиса унинг журналистлик фаолияти билан бевосита боғлиқ, деб ҳисобламоқдалар.

● ЁЗИЛМАГАН ҚОНУНЛАР

СОХТА «МУҲАББАТ»ГА АЛДАНМАНГ, ҚИЗЛАР!

Бу дунёда ҳар қандай ибтидонинг интиҳоси муқаррарлигидан ҳам беистисно ҳақиқат бормикин?

Энг оддий ҳолатлардан тортиб ўзимиз тушуниб — тушунмаган вазиятларда ҳам ҳақлигимизни исботлашга, ўз нуқтаи-назаримизни ўтказишга уринамиз. Бу йўлда баъзан йиллаб оёқ тираб курашамиз. Балким бу ҳақиқий ҳақиқат учун, балким нисбий ҳақиқат учун бўлар...

Аввалдан айтиб қўяй: айни мақолада мулоҳазаларимни билдирмоқчи бўлган мавзуда мен ҳаклик талаб қилмайман. Шунинг учун ҳам кимдир ёзилганларга ўз фикрларини билдирмоқчи бўлса, таъналы оҳангларда эмас, холис ва самимий бўлишидан умид қиламан.

...Қишлоқда у кишининг важоҳатли кўзларига тик қарайдиганлар камдан кам эди. Ўзига маъқул бўлмаган ишдан ёмон тутақарди. «Дину имон» деган сўзларгача қаттиқ қатагонга олинган 60-70-йилларда унинг эътиқод қўрғонини ҳеч ким бузолмади. Беш ўғил, икки қизи балоғатга етганларидан бошлаб беш вақт намозни, рўзани канда қилмасдилар. Важоҳатли ота бирон-бир мансабчада бўлгандаям балким динни афюн дегувчилар унга кўрсатиб қўйишармиди?.. Лекин қаҳрамонимизнинг ҳам, фарзандларининг ҳам эрта баҳордан кеч кузгача пахтага хизмат қилишдан бошқа «мансаб»лари йўқ эди. Хотини бўлса, шундоққина ҳовлиларига тўташ далага чиқиб, дуррасининг учларини тишлаб юрганча ягана, чопиқ, чеканка қилиб, пахта терарди.

Дарвоқе, отага биров маломат ёки дағдага қилолмаслигининг сабабларим бор эди: болалари мактабда «аъло»га ўқишарди. У пайтларда терилган пахтанинг килосига 2-3 тийинлаб тўланганги учун, колхозчиларни теримга чиқариш ҳам осонмасди. Ҳар куни эрталаб бригадир ҳовлима-ҳовли юриб аъзоларни чақирганда, важоҳатли отанинг важоҳати яна ортарди: — «Оппоқ пахта-я, унинг уволидан қўрқмайманми? Сен сиёсатингни бошқаларга кўрсат!» — дерди ва оиласидаги қўлидан иш келадиганларнинг ҳаммасига бош бўлиб далага чиқарди. Кексайиб қолган йилларида унинг этак боғлаб пахта териб юришидан айрим кўни-кўшнилар — бел оғритишни хоҳламайдиганлар хижолат тортадиган бўлишди...

Шу хонадонда кутилмаганда тезкорлик билан тўй бошланиб қолди. Бир ўғлини уйлашди. Юз очар куни келинни кўрганлар: «Тўқи-туладан келган экан», — деб чиқиб кетишди.

Бирор ой ўтар-ўтмас хонадон бекаси, яъни қайнона бетоб бўлиб қолибди, деган гап тарқалди. Яна ҳеч қанча вақт ўтмай, бетоблик ҳомиладорлик оқибати экан, янги келин туширган она чақалоқлик бўлибди», — деган овоза маҳаллага тарқалди. Уйда кўз ёриган аёлни йўқламоқчи бўлганларга гўё ирим-сиримни қаттиқ ушлагандай муомала қилишар, яъни чиллаги уйга бегонанинг киришини унча хушламагандай эдилар. Шу сабабли кўни-кўшни, қариндошлар ҳам ўзларини тортишди. Ботинда бу воқеаларнинг ҳаммаси гўёки табиийдек эди. Лекин ер тагида илон қимирлагинини сезмайдиган аёллар ўртасидаям шошилинч тўй, «келиннинг тўқи-туладан келгани», қирқ бешга бориб қолган, кечагина бинойидек пахта териб юрган қайнонанинг кутилмаганда бетоб бўлиши-ю, чақалоқ кўриши ўртасида боғлиқлик борлиги ҳақида шивир-шивир оралаб қолди...

Азиз ўқувчи, бу сирли боғлиқлик нимадан иборатлигини сиз ҳам бир қадар тушуниб етдингиз. Ҳа, тўғри ўғил билан янги келин тўйдан олдин гуноҳ қилиб қўйишганди. Қишлоқда, айниқса, бундай воқеанинг исноди оғир-ку, шунинг олдини олмоқчи бўлиб важоҳатли ота ё қайнона эл кузига юқоридаги воқеаларни уйлаб топишган ва ижро этишган бўлса, ажабмас.

У пайтларда мен ёш эдим. Келин кўчага чиқадиган бўлганда қишлоқ аёллари унинг орқасидан бошқача қараб қўйишарди. Ёшим улғайган, бу оилада шариат талаблари қанчалар қаттиқ тутилишини тушунганим сайин, важоҳатли отанинг ўз ўғли ва келинининг бунчалар оғир гуноҳларини осонгина кечгани сабабини сира тушунолмасдим...

Ўша туманнинг бирор раҳбари номига хат қилиб берсангиз, ёрдами тегармикин...

У пайтларда партия аппаратлари фаолият кўрсатарди. Мен тарғибот ишлари бўйича туман котибига «Саодат» журнали номидан икки энлигина: «Мана шу ёш онанинг ҳаёти изга тушиб кетиши учун имкон борича ёрдам беришингизни сўраймиз», — деган хат ёзиб бердим. Ва шундан тўрт кунгина ўтиб... Ишхонам эшигидан яна чақалоғини бағрига босганича у кириб келди.

Ун йиллар ўтиб, тақдир мени Тошкентга бошлаб келди. Журнал, газета муҳарририятларида ишлаган йилларим юқоридаги каби гуноҳ кучасига кирганларни учратдим. Лекин уларнинг аксарияти, айниқса, аёллар тақдири аро йўлда қолиб кетган эди.

...У худди оққушга ўхшарди. Оллоҳ уни ғузал сийрат билан сийлаган экан. Сунгги бичиқдаги узун пушти кўйлаги ним пушти юзларини яна ҳам «очиб» юборган. Қўлида оппоқ йўргакда чақалоғи. Узоқ суҳбатлашдик, кўнглим ёмон увишди. У пойтахтдаги бир олий илмгоҳнинг талабаси экан. Ҳамкурси бўлган йигит билан севишибди, унга ишонибди, ваъдалари чин деб ўйлабди, ҳатто никоҳу тўйсиз бир хонада яшашибди. Йигит тез орада тўй қиламиз, деркан, Қизнинг ҳомиласи етти ойлик бўлганда, ниҳоят, йигитнинг ота-онаси келишибди. Келишибди-ю... ўғилларини уз юртлари Хоразмга тез олиб кетиш тараддудига тушибдилар. Айниқса, онаси... қизни роса ҳақоратлабди. Она тирик экан, ўғлининг унга уйланмаслигини айтибди. Қизни ваъдаларга кўмиб ташлаган йигит эса... мумин-қобил ўғилчалек индамайгина ота-онасининг олдига тушиб, хайр-маъзурни ҳам насия қилибди.

— Лекин мени ҳамкурсларим ёлғиз ташлаб қўйишмади, — деб гапини якунлади у. — Чақалоқ туғилди, ҳали қирқиям чиққани йўқ. Бу ерга келишдан мақсадим шуки, ўглимни отасининг олдига олиб бормоқчийдим. Болани қўриб, балки кўнгиллари юмшар, меҳрлари тушармикин. Менга — Ие, ҳали бормадиларингми? — деб сурадим.

— Бордик ҳам, қайтиб келдик ҳам, — деб жавоб берди у.

Ранглари синиққан эди. — Хоразмга борган кунимиздаёқ райкомдагилар уларни чақиртиришди. Ота-онаси ўғилларини етаклаб келиб, етаклаб олиб кетишди. Райком биноси ичида мени яна оғизларига келган гаплар билан ёмонотлиқ қилишди. Ўша куни отасиё, ўғли бизни меҳмонхонага қўйиб кетишди. Суви ҳам, ейдиган нарсаям йўқ экан. Кечаси билан қийналиб чиқдим. Эртасига ўглини яна отаси бошлаб келди, қайтишимиз учун самолётга билет тутқазишди. Йигитнинг мен билан бир оғиз гаплашишига, ҳатто ўглига қараб қўйишига имкон беришмади...

Бу гаплардан кейин бегуноҳ муштипарни кутариб ўтирган бандаи гуноҳкорга — нима бўлгандаям, бир ота-онасининг азиз фарзандига, орзулар тўлқинида Андижоннинг чекка қишлоғидан Тошкентга келган қизга муҳаббатнинг сароблариди оби-ҳаёт деб алданган қалбга нималар деб таскин беришимни билмай қолдим. Яна унинг ўзига таъна тошлари ёғдиришни истамасдим. Шунда у кўнглимдан ўтаётганларни англагандай, бошини баланд кўтариб:

— Опа, атрофимда яхши одамлар кўп, биздан хавотирланманг, насиб қилса, ўқишни ҳам битириб оламан. Номимни қўшмай ёзсангиз, балки бошқа қизларга ибрат бўлар, — деди-ю, хайрлашиб кетди...

Ўшандан буён қанча сувлар оқиб ўтди, яна неча турфа тақдирларга дуч келдим. Лекин юқорида баён этганим иккита бир-бирига жуда ўхшаш, шу билан бирга, оқибати бир-бирининг тамоман тескариси бўлган воқеалар ҳақида жуда кўп ўйладим.

Бу орада матбуот юзини кўрмасада (айтишга тилинг ҳам бормайди), ниқоҳсиз туғилган болаларниям, уларни туққанларниям қадимий усулда бешафқат жазолаш керак, дегувчилар баҳсида: «Болада нима гуноҳ?» деганим учун маломатларга қолсамда... тушунчамни ўзгартиролмайман. Нима, мен халқимизнинг маънавий покликка садоқатдек муқаддас удумига қаршиманми? Йўқ!

Нима учун болаларининг қўшни боғидан бесўроқ мева олганини ҳам жазосиз қолдирмаган важоҳатли ота ўғли ва бўлажак келининг мусулмончиликдаги энг оғир саналган гуноҳларидан бирини содир этганларида кечирди? Умуман, бу «кечирмоқ» осонгина кечганмикин? Диёнатли ота ҳиссиёт тўлқинида нафақат бировнинг қизи, балки у билан теппа-тенг ўз ўғли ҳам гуноҳ қилганини тан олган. Бу нохушликда ота сифатида ўзини ҳам айбдор ҳис этганмикин? Ахир, ўғилни у тарбиялаган-да! Агар у ҳам иккинчи отадаги каби ўглини пинжига олиб, бошқа қизга уйлантириб қўйса, ўглининг гуноҳи билан икки инсон (қиз ва туғилажак бола) тақдири умрбод қаро бўлиб қолишидан қўрққанмикин?

Мусулмончиликда ўзи чоҳ ёқасига келиб қолган одамга ёрдам учун қўл чўзиш, агар у гуноҳини тан олиб тавба қилса, ёрдам кўрсатиш ва кечиришнинг савоби ҳақида қанчадан қанча ибратли ҳадислар бор.

Айримлар менинг бу фикримга қарши чиқиб: «Нима, сиз ота-онасининг юзини ерга қаратган, шариат қонунини оёқ ости қилган, туғилишини ўзи ҳам истамаган болаларни қўпайтириб, уларни аро йўлда қолдириб кетишигача борадиган қизларни оқламоқчимисиз? Шундайлар сони кўпайишини истайсизми?», — деб таъна қилишлари турган гап.

Адашган қизларга атрофдагиларнинг бешафқатлилиги бошқаларга сабоқ бўлар, балким. Лекин қизни мана шу йўлга олиб кирган йигитнинг беозоргина бўлиб (худди битта тақдирни бахтсиз этмаган каби, битта қалбга умрбод тузалмас жароҳат, армон солмаган каби), ота-оналари паноҳида оҳорли кўёв либосларини кийиб, узга ёрни етаклаб кетаверишлари бошқа йигитларга қандай таъсир этаркин?

Халқимизда ўғил уйлантиришдаям, қиз чиқаришдаям асосан ота-оналарнинг ихтиёри, сўзи қатъий бўлиб келган. Ҳаёт тажрибалари ибратли бўлган ота-оналар ҳақиқатан ҳам ўғиллари ва ўзларига муносиб келин танлаганларки, шунинг учун ҳам оила муқаддаслиги сақланган. Замонлар ўзгаргани билан, мана шу қадимий удумни ёқлайдиган ота-оналарнинг майлига заррача шак келтирмайман. Ўғилларига ўзлари ҳар жиҳатдан суриштириб, синаб келин топмоқчи бўлсалар, илойим оллоҳ йўлларини очсин. Лекин бундай ота-оналар мана шу эътиқоду ниятларини ўғиллари онгига ёшлигидан сингдириб боришлари керак-да! Токи ўғил бу масалада енгил-елпи ёки тавакалчи бўлмасин.

Хоразмлик йигитнинг отаси журналист эди. Мен буни эшитганимда жуда таъсирланганман. Замонавий одам жуда кўп қонунлар қатори қиз бировнинг мажбурлаши билан эмас, ўз хоҳиши билан ихтиёрини йигитга топширган экан, демак, бу ишда ҳеч кимни айбдор қилиб бўлмаслиги ҳақидаги қонунни яхши билганидан, ўглининг «муҳаббати»га алданган қизни ва ўглининг қирқиям чиқмаган боласини меҳмонхонанинг ҳеч бир шароити бўлмаган хонасида қолдириб, эртасига ота маданий қилиб ҳайдаб юборганди...

Лекин мен билган инсон — қишлоқдаги важоҳатли ота, чаласавод деҳқон қайси қонундан қўрққан экан? Менимча, ҳозирда худо раҳмати у одам Тангри таоло берган ҳаётда ҳақ номи билан боғлиқ бўлган ёзилмаган қонунлардан қўрққан бўлса, ажабмас.

Муҳтарама УЛУҒ.

ҚОРИНДАГИ ИЛОН

Ҳангома

Бир кишининг миясига қорнида сувилон ўрнашиб олгани тўғрисидаги фикр михланиб қолганди. У мурожаат қилган врач қаршисида табиат ақлдан анча сиқиб қўйган бемор турганини дарров пайқади. Энди эса бемор қорнига сувилон ўрнашиб олгани ҳақидаги ўйдан баттар ёмон аҳволга тушганди. Қорнида ҳеч қандай илон йўқлигини айтиб баҳслашиш бефойда эди. Тажрибали ва тадбиркор врач мутлақо бошқача йўл тутди. У беморни гўёки ўта жиддий текширди ва ҳақиқатдан ҳам қорнида илон борлиги, ҳатто пайпасласа қўлига илинаётганини айтди. Бемор ҳаяжонда эди.

— Мен буни билардим, ишончим комил эди! — дея хитоб қилди у. — Анча вақт бўлди, эзнинг иссиқ кунларининг бирида ботқоқдан сув ичгандим. Ана ўшанда илонни сувга қўшиб ютиб юборганман. Лекин у пайтда илон жуда кичкина эди, сезмаганман. Мана энди қорнимда усиб катта бўлган. Нима қилишга ҳайронман. Агар илон қорнимда қолса, бутунлай ичимни еб ташлайди.

— Албатта ейди! —хитоб қилди доктор. — У ерда қолдириш асло мумкин эмас. Тезда қорнингизни ёриб олиб ташлаш керак.

Шундай қилиб, беморни операцияга етказишди. Доктор унинг қорнини салгина тилди. Оққан қондан латта-путталарни буяшди. Ўз-ўзидан маълумки, унгача тирик сувилон топиб қўйишганди. Доктор илонни бўйнидан ушлаб тангаиали равишда деди:

— Мана у, қўлга тушди!

Бу хитобни эшитган бемор кўзидаги боғичи таталаб ечиб, ичини кемирган текинхўрга жон-жаҳди билан тикилди. У беиҳоя бахтли эди.

Аммо унинг бахтиёрлиги унча узоққа бормади. Докторга бемор тагин нохуш аҳволга тушганини айтдилар. У узининг қизиқ касали ёнига шошилди ва нимага хафа эканлигини сўради.

— Биласизми, доктор, калламга шундай фикр келдики, ўзим ҳам қўрқиб кетяпман. Ахир, илон шунча вақт қорнимда яшаган, демак, у болалаган бўлиши керак. Худди қорнимда болалари гимирлаётганга ўхшайди.

Доктор аҳволни дарров чамалаб кўрди-да, оҳиста ва ишончли тарзда деди:

— Тинчланинг. Биз қорнингиздан чиққан илонни яхшилаб текширганмиз: у эркак илон эди.

Ориф ФАРМОН таржимаси.

Ойнаи жаҳонда

16 —22 октябрь

ДУШАНБА, 16

ЎзТВ I

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 **«Аждодлар мероси — хазина».** Нажмиддин Кубро.
18.10 «Омилкор инсонлар». Публицистик кўрсатув.
18.35 Футбол шарҳи.
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси «Тановар» миллий рақс ансамблининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Мен ва дунё».**
21.35 Тўфон Минуллин. «Алла». Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрининг спектакли.
23.15 Эълонлар.
23.20—23.45 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Деҳқон химмати».
19.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.00 «Шаҳарда дув-дув...».
20.30 «Спорт-тайм».
21.00—23.15 «Асов дарёнинг жиловланиши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—21.45
•
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—00.30

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
•
19.40 «Мульткарусель».

«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Жаҳон географияси».
21.40 Эълонлар.
21.45 Видео — «О».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Курьер».
23.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
24.00— 00.10 «Постфактум».

ҚозТВ

17.00 «Сохибжамол». Телесериал. 53-серия. 17.50 Мультфильм. 18.00 «Курьер». Ҳарбий-спорт кўрсатуви. 18.25 «Гутен абенд!». Немис таҳририяти кўрсатуви. 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 31-серия. 21.20 Концерт. 21.40 «Халқ ва бозор иқтисоди».

СЕШАНБА, 17

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
•
9.00 Болалар учун фильм. «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири».
10.15 Немис тили.
10.45 «Синфдош». Тележурнал.
11.10 **«Биздан озод ва обод Ватан қолсин!».**
11.40 Тўфон Минуллин. «Алла». Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрининг спектакли.
13.20—15.20 «Умидлар йили». Видеоканал.
• • •
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 **«Доно бобо даврасида».**
18.10 «Лола ҳақида қисса». Мультфильм.
18.20 Мусиқали драмалардан ария ва дуэтлар.
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 **«Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».**
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Санъат усталари».** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдуҳамид Гофуров.
22.10 «Парвоздаги турна». Бадиий фильм.
23.40 Эълонлар.
23.45—00.10 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси».
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20—24.00 «Кинонигох».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
• • •
18.20—21.45
•
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—00.25

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
•
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Самарқанд — менинг ёркин юлдузим». Премьера.
20.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Жаҳон ва биз».
22.10 «Кашфиётлар ва ихтиролар». Илмий-маърифий кўрсатув.
22.50 — 23.50 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ҚозТВ

7.55 Мультфильм. 8.05 «Кондорнинг ҳалокати». Бадиий фильм. 9.30 «Болалар учун сеҳргарлик». 1-кўрсатув. 10.00 «Хабар». Ахборот кўрсатуви. 10.45 «Дадил ва хушрўй кимсалар». телесериал. 31-серия. 11.15 Қозоғистон телевидениеси ҳазинасидан.
• • •
17.00 «Қидирув». 17.25 Мультфильм. 17.35 «Алматилик Осиё мистери». 18.00 «Ислоҳот». Президентнинг янги уй-жой сиёсати. 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 32-серия. 21.05 «Инсон ва қонун». 21.20 Концерт. 21.25 «Истиқбол». Мария Султоновнинг муаллифлик кўрсатуви.

ЧОРШАНБА, 18

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
•
9.00 «Парвоздаги турна». Бадиий фильм.
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Янги китоблар».
11.30 «Алифбо сабоқлари».
12.00 «Санъат усталари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдуҳамид Гофуров.
13.10—15.10 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
• • •
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 **«Умид учқунлари».** Ўсмирлар учун тележурнал.
18.10 «Шеърий дақиқалар».
18.20 **«Ҳуқуқий жамият сари».**
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.35 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг хонандаси Насиба Сатторова куйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Олтин мерос».** Замахшарий.
21.50 **Ўзбек киносининг 85 йиллигига.** «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
23.20 Эълонлар.
23.25—23.50 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!».
20.00 «Янги иқтисод».
20.35 «Тет-а-Тет».
20.55 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.40 «Тошкент оқшомида».
22.40—00.10 «Кинематограф».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
• • •
18.20—21.45
•
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—00.25

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
•
19.40 «Мульткарусель».

«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

ҚозТВ

7.55 «Чавандознинг ўғирланиши». Бадиий фильм. 9.30 «Болалар учун сеҳргарлик». 2-кўрсатув. 10.40 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 32-серия. 11.10 «Ютуқ» салони.
• • •
17.00 «Сохибжамол». Телесериал. 54-серия. 17.50 Мультфильм. 18.00 «Инжу-маржон». 18.25 «Инсон ва қонун». 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 33-серия. 21.05 «Сиз билан биргаликда». 23.20 «Шарқ мавсуми» халқаро модалар фестивали.

ПАЙШАНБА, 19

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
•
9.00 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 «Болалар — гуллолалар».
11.20 «Истиқлол адабиёти».
11.50 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
12.20 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».
13.00 **«Истеъдод».** Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг талабаси Улуғбек Полвонов ижро этади.
13.35—15.35 «Маърифат» видеоканали.
• • •
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 **«Сеҳрли мўйқалам».**
18.00 **«Нон таъми».**
18.25 «Қаҳрамон Дадаев». Фильм-концерт.
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 **«Шарқнинг мумтоз мусаввири».** Камолиддин Беҳзод.
19.50 **«Юзма-юз».** Мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Туркистон — умумий уйимиз».**
21.30 **Пахтакорлар учун концерт.**
22.10 ЎзТВ хазинасидан. «Шоҳ Эдип». Фильм-спектакль.
23.35 Эълонлар.
23.40—00.05 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» таквими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.00 «Ишингиз бароридан келсин!».
19.10 «Теле-ателье-шоу».
19.20 Видео янгиликлари.
19.40 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.15—22.55 «Кинонигох».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
• • •
18.20—21.45
•
ЎзТВ
21.45—23.00 «Етти қария ва бир қиз». Бадиий фильм.
•
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.00—01.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
•
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ёшлик оқшоми».
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Рангинкамон» (тожик тилида).
22.20 «Ўзбекистон — Япония: ҳамкорлик йўли».
23.00 — 00.05 «О, муҳаббат». Мусиқий кинокомедия.

ҚозТВ

7.55 «Тўлқинлар соҳилда сўнади». Бадиий фильм. 9.10 Мультфильм. 9.30 «Болалар учун сеҳргарлик». 3-кўрсатув. 10.00 «Хабар». Ахборот кўрсатуви. 10.40 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 33-серия. 11.15 «Халқ мулки».
• • •
17.00 «Ўлик шаҳарлар» Илмий-оммабоп фильм. 17.30 Мультфильм. 18.00 «Бугун ва ҳамиша». 18.25 «Мусиқий меҳмонхонада». 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 34-серия. 21.00 «Қонунчилик». 21.15 «Имкон». Ёшлар учун кўрсатув. 21.45 «Қисқасини айтганда». Мусиқий кўрсатув. 23.20 «Мальборо-мотор» теле-шоу.

ЖУМА, 20

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
•
9.00 ЎзТВ хазинасидан. «Шоҳ Эдип». Фильм-спектакль.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Оқар дарёлар».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 «Табиат — ҳаёт сарчашмаси». Кинодастур.
12.40 «Ривоят». Публицистик кўрсатув.
13.00 Миллий кураш бўйича халқаро турнир.
13.30 «Кичкинтой»га хат келди».
14.00—15.10 Пўлат Мўмин. «Ковоқвой билан Чаноқвой». Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрининг спектакли.
• • •
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 Мультфильм.
17.50 **«Митти юлдузлар».**
18.20 **«Тилга эътибор...».**
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 **«Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».**
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Футбол майдонларида».** Афро-Осиё кубоги ўйинлари олдидан.
21.20 **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова куйлайди.**
22.20 «Кино. Кино. Кино...».
23.00 Эълонлар.
23.05—23.30 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Бизнес-академия».
19.50 «Самарали изланишлар».
20.30 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув (рус тилида).
21.10 «Кимга қанақа?».
21.55—23.10 «Кобра» операцияси». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
• • •
18.20—21.45
•
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—01.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
•
19.40 «Мульткарусель».

«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Компьютер -Осиё».
21.20 «Кулгига нима етсин!».
21.45 «Америка юлдузлари».
22.15 Эълонлар.
22.20 «Даракчи».
22.30 Эълонлар.
22.35 — 00.15 Видео — «О».

ҚозТВ

7.55 «Шахсий ҳаёт». Бадиий фильм. 9.30 «Болалар учун сеҳргарлик». 4-кўрсатув. 10.00 «Хабар». Ахборот кўрсатуви. 10.45 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 34-серия. 11.15 «Номлар. Афсоналар. Саналар». 11.45 Телефильм.
• • •
17.00 «Сохибжамол». Телесериал. 55-серия. 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 35-серия. 21.20 «Хайрли оқшом». Концерт.

ШАНБА, 21

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
•
9.00 «Шайтонвачча». Бадиий фильм.
10.15 «Оналар мактаби».
10.45 **«Кўғирчоқлар — менинг дўстларим».**
11.20 **«Таъзим Сизга».** Мусиқий дастур.
12.10 **«Салом, фестиваль!».**
12.40 **«Латиф Файзиев».** Ҳужжатли фильм.
13.20 «Халқ ижодиёти».
13.50—15.50 «Санъат сеҳри». Видеоканал.
•
15.50 Кўрсатувлар тартиби.
15.55 **Футбол бўйича Афро-Осиё кубоги. Ўзбекистон — Нигерия.** «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
17.55 **«Маҳалламиз болалари».**
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган «Ялла» ансамблининг концерти.
20.00 **«Ўзбекистон янгиликлари»** (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **Футбол бўйича Афро-Осиё кубоги. Ўзбекистон — Нигерия** (ёзиб олинган).
22.30 Мусиқий танаффус.
22.50 **«Тунги ёғду».** Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 «Теле-ателье-шоу».
12.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 «Кинонигох».
14.30—18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
•
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 Телефильм.
19.25 «Ҳамкасблар».
19.55 «Менинг кўчам».
20.10 «Коллекция».
20.45 «Меъморлар».
21.35—23.05 «Кинематограф».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—21.45
•
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—00.25

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Қалбим кўри».
10.40 Болалар учун фильм. «Петров ва Васечкиннинг ажойиб саргузаштлари». 1 ва 2-сериялар.
12.55 «Мусиқий учрашувлар».
13.25 — 14.15 «Замандас» (қозоқ тилида).
• • •
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
•
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Монитор-Осиё».
21.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.15 «Глобус».
21.45 «Яшайман... Қуйлайман... Севаман...»
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
23.05 — 00.35 «Аёллар салтанати». Бадиий фильм.

ҚозТВ

7.55 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 35-серия. 8.35 Мультфильмлар дастури. 9.10 Болалар учун фильм. «Кўришгунча хайр, Мери-Поппинс!». 1-серия. 10.05 «Саломатлик-туман бойлик». 11.25 «Азамат». 13.00 «Мирзачўл юлдузлари» фестивали. 14.05 «Игна». Бадиий фильм. 15.20 «Ракурс». «Дубль — 1» кўрсатувига илова. 15.50 Мультфильм. 16.00 «Мальборо-мотор». Теле-шоу. 16.20 «Тоғлик». Телесериал. 4-серия. 17.15 «Телекўргазма». 17.45 «Гутен абенд!». Немис таҳририяти кўрсату

Донолар дейди...

ЎЗИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Ҳамал (22 мартдан 20 апарелгача)да туғилганлар — умид ва орзуларингиз куртак ёзган бўлади. Улар дарахтдаги япроқлар каби кўпдир. Ҳамиша тинчлик, хотиржамликда яшайсиз. Аммо яхши яшаш учун тиришиб меҳнат қилишингиз керак, бирон вақт тиним нималигини билмайсиз. Ҳамалда Одам алайҳис — салом туғилганлар.

Савр (21 апрелдан 21 майгача)да туғилганлар — ҳамиша сизга самимийлик ва поклик хосдир. Атрофингизда ёрдўстларингиз кўп бўлади. Улар учун жонингизни қурбон қилишга ҳам тайёрсиз. Ўзингизнинг яхши табиатингиз билан доимо хурсандликда яшайсиз. Саврда Шис пайғамбар туғилганлар.

Жавзо (22 майдан 21 июнгача)да туғилганлар — сиз уйқу ва рўё билан машғулсиз. Ҳаётингизда қийинчиликлар мавжуддир, лекин ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ эканлигини унутманг. Саодат баҳори ҳам кулиб турибди. Жавзо Закариё алайҳис-салом юлдузидир.

Саратон (22 июндан 22 июлгача)да туғилганлар — сизга барвақт ўриндан туриш фойдалидир. Агар шунга одат қилсангиз ҳаётингиз бахтли ўтади. Ҳиссиётли, гина-кудуратли одамлардан узоқроқ юринг. Сизнинг буюклигингиз одамларни кечира билишингиздир. Атрофингизда дўстларингиз кўп бўлади, лекин дунё деб дўстлардан воз кечманг. Саратонда Идрис алайҳиссалом туғилганлар.

Асад (23 июлдан 22 августгача)да туғилганлар — қўқисдан бошингизга бирон кулфат тушса, ташвишланманг. Сизнинг дийдорингизга шайдолар кўп, сизга етишишни ўзларининг асл орзулари деб биладилар. Ҳаёт беш кунлик деб ўйламанг, кайфу сафога кўп берилманг. Асадда Ҳазрат Али карамоллоху важҳаху туғилганлар.

Сунбула (23 августдан 21 сентябргача)да туғилганлар — ҳар бир сўзни ўзингизга олманг, девордай соқов ҳам бўлманг. Инсон улуғ, тоза қалби билан яна ҳам улуғ. Оилангиз сизга суяниб, катта умид билан яшайди. Агар ўзингизга яхшироқ диққат қилсангиз, қанчалар истеъдод соҳиби эканлигингиз маълум бўлади. Сунбулада Исҳоқ пайғамбар туғилганлар.

Мезон (22 сентябрдан 20 октябргача)да туғилганлар — дилингизни азизлар учун фидо қилишга бағишланг. Яшашга ва шижоатли бўлишга қодирсиз. Сизни катта ғалабалар кутиб турибди. Доимо ғалабага интилиб мағрур яшашингиз керак. Мезонда пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоху алайҳи ва саллам туғилганлар.

Ақраб (21 октябрдан 18 ноябргача)да туғилганлар — илму донишга пайваста инсонсиз. Илм ўрганишдан зерикманг. Зеро, илм сизни ёруғлик ва бахтга элтади. Сиз савр ойида туғилганлар билан жуда яқинсиз. Савр ойидагилар билан кўпроқ дўстлашсангиз, сизга омад кулиб боқусидир. Ақраб Худ алайҳиссалом юлдузидир.

Қавс (19 ноябрдан 18 декабргача)да туғилганлар — иродали инсонлигингиз ва жиддийлигингиз сизга кўпинча омад келтиради. Баъзан дўстларингизни, қариндошларни арзимас сабаблар билан ранжитиб қўйишингиз мумкин, кейин эса ўзингиздан норози бўлиб юрасиз. Қалбингизда адоват йўқ. Сизга яхшилик қилганга кўпроқ яхшилик қилгингиз келади. Пайғамбарлар отаси Иброҳим Ҳалилуллоҳ Қавсда туғилганлар.

Жади (19 декабрдан 18 январгача)да туғилганлар — бахтингиз ва омадингиз дўстларингизнинг сизга ҳурматидадир. Турмуш ўртоғингиз билан камроқ маслаҳатлашинг. Қийинчиликлардан қўркманг, саодат йўллари очиқдир. Жадида Мусо алайҳис-салом таваллуд топдилар.

Далв (19 январдан 18 февралгача)да туғилганлар — гўёки сизни турмуш ташвишлари қийнаб қўйгандай. Лекин сиз ҳаётга ишонч билан яшанг. Яқинларингиз билан яхши муносабатда бўлинг. Турмуш ўртоғингиз сизга вафодор. Унинг кўнгли совушига йўл қўйманг. Доимо ширин сўзлар билан унинг қалбини ром айланг. Далвда Аюб алайҳис-салом туғилганлар.

Хут (19 февралдан 21 мартгача)да туғилганлар — Сиз баҳор остонасида дунёга келдингиз. Шунинг учун шодлик ва ғам муштарак бўлишини унутманг. Дўстлар даврасида бўлиш сизга хурсандлик келтиради. Дўстларга ва оила аъзоларингизга суяниб яшашга ўрганинг. Хут Юнус алайҳис-салом юлдузидир. Валлоҳу аълам биссавоб.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.

Илмлилар минг яшар

МУКАРРАМХОН АМЕРИКАДА ЎҚИЙДИ

Америка — сеҳрли диёр, Ухлар эди Колумб ҳам ҳали. Денгиз ортин ёритди илк бор, Берунийнинг ақл машъали...

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов қаламига мансуб ушбу сатрларни Мукаррамхон ҳам суйиб ўқиганида қалби буюк бобокалонларимиз иқтидоридан фахру ғурурга тўлган, уларга муносиб бўлишга ўзини чоғлаган бўлса ажаб эмас.

Мукаррамхон Хўжаева Наманган шаҳридаги 7-ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ ўзининг билимга таҳналиги, изланувчанлиги, илм-фанга катта муҳаббати билан тилга тушганди. У фан тўгаракларида фаол қатнашар, жамоат ишларини сидқидилдан бажарар, бўш пайтларини доимо китоб мутоаласига бахш этарди. Вилоят ва республика фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган Мукаррамхонга мактабдошлари ҳавас билан боқишар, устозлари унинг келажагига яхши умидлар билдиришарди. Мактабни олтин медаль билан тамомлаган Мукаррамхон Тошкент Шарқшунослик олийгоҳининг халқаро қуллиётига ўқишга кирди. Мустақил давлатимиз келажаги юксак малакали мутахассислар қўлида эканлигини чуқур ҳис этган жумҳуриятимиз ҳукумати, Президентимиз иқтидорли ёшларнинг ривожланган хорижий давлатларда билим олиб, етук мутахассис бўлиб етишишлари йўлида ғамхўрлик кўрсатди. Мукаррамхон 2-курсда ўқиётган чоғида чет элда таҳсил олиш ҳуқуқини берувчи тест синовларини муваффақиятли топширди. Истиқлол шарофати билан ўзбек қизи Мукаррамхон Хўжаева бир йил ўқитиш учун Америка Қўшма Штатларининг Рино шаҳридаги Невада давлат университетининг иқтисод қуллиётига юборилди. Ўзининг билимдонлиги, шарқона одоби, юксак инсоний фазилатлари билан дорилфунундаги тенгдошлари, устозлари қалбини забт этди. Аъло ўқиши, намунали ҳулқи туфайли Мукаррамхон Халқаро фермерлар жамияти мукофоти билан тақдирланди, мазкур жамият степендиати бўлди.

Яқинда Ўзбекистон ҳукумати ҳамда Мукаррамхоннинг ота-онаси номига Невада дорилфунуни профессори Маркс Пингелдан миннатдорчилик мактуби келди. Мактубда таъкидланишича, Мукаррамхон ўқиш жараёнида, дорилфунун ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиб, ўз жонкуярлиги, билим доирасининг кенглиги, иқтидорлилиги билан катта обрў қозонган. Шу боис Мукаррамхон ўз истаги ва розилиги билан университет маъмурияти ҳомийлигида аввал кўзда тутилганидек бир йил эмас, балки Невада дорилфунунини битиргунга қадар ўқийдиган бўлди. Профессор ўз хатида шундай иқтидорли фарзандлари бўлган Ўзбекистонимиз келажагига катта умид билдирган.

Мукаррамхон айни кунларда дорилфунунда ўқиш билан бирга талабаларга дарс ҳам бермоқда, таржимонлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

Университетнинг профессор олимлари, соҳанинг етакчи мутахассислари, устозлари иқтидорли ўзбек қизига меҳр қўйиб қолишган. Жумладан, юртимизда — Навоийда бир йил яшаб, ер ости бойликларини ўзлаштириш соҳасида ишлаб кетган профессор Стиф Браф мустақил Ўзбекистонимиз ва халқимизга катта меҳр-муҳаббат билан қарайди. Ўз маърузаларида, суҳбатларида истиқлолга эришган юртимиз кишиларининг меҳнатсеварлиги, меҳмондўст ва самимийлиги ҳақида, республикамизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган оқилона ташқи ва ички сиёсат ва унинг илк натижалари ҳақида мамнуният билан сўзлайди. Бекиёс ер ости бойликларига, ҳосилдор заминга, энг муҳими, меҳнатсевар, илму фанга ихлосманд халққа эга она юртимиз келажаги Президентимиз таъкидлаганларидек буюк бўлишига қаттиқ ишонади. Унинг хонадонида юртимиздан эсдаликка олиб кетилган мустақил Ўзбекистон байроғи ҳам аввалгидек сақланмоқда. Профессор Стиф Браф юртимизга бўлган муҳаббати, Мукаррамхон иқтидорига ҳурмати боис уни бир неча бор ўз хонадонида меҳмон қилди.

Университетда ўзбек қизининг миллий урф-одатларга, ислом дини йўл-йўриқларига амал қилиши ҳам катта эҳтиромга сазовор бўлмоқда. Унга дорилфунун ётоқхонасидан алоҳида хона ажратилган, рўза тутиши, намоз арконларини адо этиши учун зарур шароитлар яратилган. Мукаррамхон беш маҳал намозни канда қилмайди, имон-эътиқоди мустаҳкам.

Мукаррамхоннинг аяси, Нозимахон Хўжаева шундай ҳикоя қилади:

— Яқинда қизим олис Америкадан телефон қилди. Ўқишлари яхши бораётганлигини, ҳеч нарсадан камчилиги йўқлигини айтди. Фақат сизларни, Наманганимизни, Чустни соғиндим, — дейди қизим. — Ая, пахталар қалай? Наманган неччига борди? Чуст-чи? Об-ҳаво яхшими ишқилиб? Мен унга бу йил пахтакорга худо берган йил бўлаётганлигини, терим авжида эканлигини, далаларда ҳосил кўплигини, тез орада режаларни бажаришимизни айтдим...

Опанинг сўзлари мени жуда тўлқинлантирди. Қаранг, олис Америкада, океан ортида ўқиётган ўзбек қизи ҳам пахтамиз тақдирига, юртимизнинг бугунги долзарб палласига бефарқ эмас.

Ҳа, Мукаррамхон мустақил она Ватанимизнинг иқтидорли фарзанди, Невада университетида ўқиётган ва ишлаётган ягона ўзбек қизи. У ҳозир олти тилда сўзлаша олади.

Мукаррамхон бобоси, машҳур шоир мавлоно Чустий каби илму маърифатни қадрловчи, эл-юрт учун куйиб, ёниб яшайдиган фидойи инсон, етук мутахассис бўлиб етишишига ишонамиз, бу йўлда унга омадлар тилаймиз.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Суратда: Америкада таҳсил олаётган чустлик ўзбек қизи Мукаррамхон Хўжаева. Муаллиф олган сурат.

Республика пойтахти марказида жойлашган «Тошкентленд» шаҳарчаси кичкинтойлар учун чинаккам байрам масканига айланди. Улкан томошагоҳ учта алоҳида-алоҳида мажмуани ўз ичига олади. Булар кўплаб сайргоҳ-чархпалакли, «Тошкентленд», ажойиб ҳовузли «Аквапарк» ва осма йўл томшагоҳидан иборат. Болаларга чексиз қувонч бахш этувчи бу мўъжиза шаҳарчани Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Туркиянинг «Ай-сел» ширкати ёрдамида барпо этди.

Суратда: «Тошкентленд»да. **Рустам ШАГАЕВ олган сурат.**

Билиб қўйган яхши

СИРЛИ ДАРЁЛАР

● Табиатнинг ўзи сирли олам. У мўъжизаларга шунчалик тўлиб-тошганки, агар адолатли муносабатда бўлсак, унинг инсонларга инъомлари битмас-туганмаслиги. Антарктидадаги Виктория деган жойда олимлар ажойиб бир кўлни аниқлаганлар. Унинг суви денгизнинг шўр сувидан ўн бир ҳисса тузлироқ экан.

● Жазоирнинг шарқида доимо қайнаб турадиган булоқ бор. Агар унга бир парча гўшт ташланса, пишиши билангина эмас, тотлилиги билан ҳам кишини ҳайратга солади. Маълум бўлишича, бу ерда биз истеъмол қиладиган ош тузи етарли мавжуд экан.

● Челябинскдаги «Ширин» деб аталадиган кўл яна ҳам мўъжизали. Унинг сувида ерлик аҳоли совунсиз кир ювади.

● Шинжон вилоятининг Олтой тоғи билан туташиб кетган ноҳиясидаги Иртиш дарёсининг сувини ҳақиқий мўъжиза деса бўлади. Сабаби, бу сув жонзотларни кўплаб туғдириш хусусияти билан ҳаммани ҳайрон қолдирмоқда. Туғмай юрган аёллар бу дарёнинг сувини ичсалар, дарҳол ҳомиладор бўладилар.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

— Кўпинча, давлат автомобили ва автобусларини айрим ҳайдовчилар ўз манфаатлари йўлида ишлатадилар. Шундай пайтлар учун уларга бирор жазо чораси тайинланганми?

И. ЎТАЕВ,
Хоразм вилояти.

— Бу тўғрида мустақил республикамизнинг яқинда кучга кирган янги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 141-моддасида кўрсатилган. Агарда ҳайдовчи корхона, муассаса, давлат ёки ташкилотларнинг автомашиналарини ўзининг шахсий манфаати нуқтаи-назари билан ишлатса ва шу орқали фойда кўрса унга суд томонидан энг кам иш ҳақининг 2—5 баравари миқдорида жарима солинади. Яъни энг кам маош 250 сўм бўлса, 500 сўмдан 1250 сўмгача жарима тўлайди.

***

— Отам 1941—1945 йилларда урушда қатнашган. Урушдан кейин уйимизга қайтиб, бир неча йилдан сўнг вафот этган. Биз онамизнинг қўлида тарбияланиб вояга етдик. Эндиликда уруш қатнашчисининг оиласи сифатида онамизга қандай имтиёзлар берилиши мумкин?

В. ОРИФЖОНОВ,
Тошкент шаҳри.

— Онангиз бу масала юзасидан аввало, ўзи яшаётган туманнинг социал-таъминот бўлимига мурожаат этиши керак. У ердан отангизни урушда бўлгани ва ўлими ҳақида берилган ҳужжатлар асосида «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига мурожаат этишлари зарур. Уюшма онангизга шаҳар транспортида бепул юриш учун зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштириб беради. Бу билан таксидан ташқари метро, трамвай, троллейбус ва автобусда бепул юриш ҳуқуқига эга бўлади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 28 июлдаги Фармони ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 21 мартдаги 145-рақамли қарорига асосан уруш қатнашчиларининг оилалари газ, сув ва коммунал хизматлар учун 50 фоиз миқдорида имтиёзли ҳақ тўлайдилар.

Забиҳулла МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

Сиз нима дейсиз?

БЕЗОВТА КЎНГИЛ ФАРЁДИ

(бўлган воқеа)

Аслини олганда Умарнинг бахтию суянган тоғи ҳам ёлғиз онаизори. Отаси вафотидан сўнг турмуш ташвишлари онаси Хуршидабону зиммасига тушди. У эр қилмай яккаю ёлғиз ўғлини улғайтирди. Уни пойтахтга ўқишга йўллаб, бор-йўғидан хабар олиб турди. «Тириклигимда, куч-қувватим борлигида ўқиб қол» дея аспирантурада қолишга кўндирди. Шу куйи Умар шаҳарда ишлаб қолди. Унинг нияти илмий ишини тезроқ ёқлаб, она бағрига қайтиш эди. Йиллар ўтди. Фан номзоди бўлиши эса кечикяпти. Уйланмаса ёши ҳам ўтиб бораяпти. Онаси буни сездими, ўғлига кўнглиға тугиб юрган чевар ва соҳибжамол қизни кўрсатди.

Илк учрашувдаёқ Нигоранинг чиройли қуралай кўзлари, келишган қадди-қомати кўз ўнгида михланиб қолди. Қиз билан учрашганларидан сўнг: «Уйлан ўғлим, тўйингни кўриб ўлсам, армоним йўқ», дея ялинди онаси. Бу илтижосиз ҳам қизнинг сулувлиги Умарнинг бошини айлантириб қўйган эди. Тез орада тўй бошланди.

Онаизор бу кунни озмунча кутдими?! Қувончининг чеки йўқ. Илк мақсади рўёбга чиққан кун. Бисотида борини тўйга сарфлади, етмаганига қарз кўтарди. Қарзга ботса ҳам орзуси ўшалаётганидан мамнун эди. Ўзбекнинг қалби кенглиги-ю, тантилиги, одам охунлигининг энг ёрқин белгиси ҳам аслида унинг тўю-ҳашамидир. Бундай пайтда ёрдам сўраб чиққанга қариндош-уруғлар борини баҳам кўраверади.

Янгиариқ — аслида тўйлар юрти. Ҳар куни бирор хонадонда сурнай садоси янграмаса, янги тушган келин маҳалладошлар олдида юз бора таъзим айлаб салом бермаса ҳисобмас. Тўй қилгандек бўлмайди бу аймоқ. Ана шундай танти ва маънавий тўқ халқ яшайди Хоразм воҳасида. Яна Жайҳунннинг сувидан чанқоғини қондирган ёшулли бахтиёр ҳисобланади, бу юртда. Умар бу катта дарё соҳилига келганини ҳеч бир эслай олмайди. Чунки иш бошидан ошиб ётибди. Ҳозирда ўзи илм олган дорилфунунда ишлаяпти. Олим бўлишига бир сония қолган, халос.

Бугун Умар учун энг бахтли кун. Хуршидабону ая хонадонида шундай бир тўй ўтдики, унинг тарифи қўни-қўшнилар оғзидан бир йилгача тушмайдиган бўлди. Тўйни маҳаллий хушовоз санъаткор Матқурбон Қиличев қиздирди. Хонанда меҳмонлар олдида ўртага тушган пулни Хуршидабонуга топшириб, келин-куёвга бахт-иқбол тилаганида Ширшоли қишлоғи осмонини қарсаклар садоси тўтиб кетди.

Тантана тугаши билан куёв остона ҳатлаб келин тушган хонага ўтди. Нигора келинлик либосида яна ҳам гўзаллашган. Умар шу қизга ўйланаётганидан ичида минг бора рози эди. Улар шу тарзда биринчи бор юзма-юз бўлиб, бир-бирига термулишди. Келин ва куёв илк бора чимилдиқда яқиндан танишдилар. Айни суҳбат қизиган чоғда улар учун атайлаб қовурдоқ тайёрлаб олиб келишди. Уни Умарни яхши кўриб пойтахтга мактублар йўллаб юрган қўшни қиз Зумрад олиб кирди. «Топганинг мендан яхшимиди» дегандек сирли термулиш билан қовурдоқни қолдириб, охирги умидидан ҳам воз кечиб, ўксиниб чиқиб кетди. Шундан сўнг Умар ва Нигорани янгалари ҳам ёлғиз қолдиришди.

Теварак-атрофда тун ҳукмрон. Ҳатто сеҳрли юлдузларнинг милтир-милтир боқишлари ҳам, оймоманинг сирли мўралашлари ҳам олам бағрини тамоман ёрита олмади. Қизиқ ҳар ким ҳар хил. Инсоннинг ҳатто ҳолати ҳам, бириники иккинчисиникига ўхшамайди. Бировни оқ ранг яшнатиб юборса, бошқа бировни қизил ранг ял-ял очади. Кимгадир гуллаган баҳор ёқса, кимгадир ҳувиллаган, хазонрезги куз ёқади. Кимдир йиғлаганда дилга олов солса, кимдир жилмайганда ўт ёқади.

Нигора ҳам сўлим оқшом пайти гул-гул очилиб, гўзаллашиб кетар экан. Умар унга термулгани сайин махлиё бўлар, ўз бахтидан шодланиб вужудидаги бесаранжомлик ўрнини хурсандчилик эгаллаб борар эди. Тун ярмидан оғиб, юлдузлар қоронғуликни анча ёритган маҳали улар бир ёстиққа бош қўйишди... Шундагина Умар кун бўйи ҳаловатсизланганининг боисини тушуниб етди. Кеч бўлсада, бу нафис бармоқлардан ундан олдин ҳам кимдир ушлаганини, қирмизи дудоқлардан бўса олганини англаб етди. Сийрати гўзал бу иффатсиз қизга нафрат билан боқди. Рўй берган адолатсизликдан Умарнинг боши қотди.

— Нима қилардинг алдаб,— деди Умар ғазаб билан. Пешонам шунчалар шўрмиди? Тур, уйингга жўна!

— Кечиринг мени, Умар ака,— йиғлаб ялинди Нигора. — Илтимос, шу бугун мени ҳайдаманг. Тушунинг, мени бир олашақшақ севаман деб шундай қуйга солди. Менга осон тутманг. Озгина сабр қилинг, кейин ўзим кетаман. Тўйга харж қилган мол-дунёингизни қайтараман. Ўтинаман фақат шарманда қилманг...

Умар қизга гапириш бефойдалигини тушунди. Бироқ онасига бор гапни очиқ айтди. Хуршидабону эшитган заҳоти ҳушидан кетди. Ўзига келиб айтган сўзи: «Ўғлим мени эл-юрт олдида шарманда қилиб ташлаб кетма» дегани бўлди.

Умар қийин бир аҳволда яна чимилдиқ томон юрди... Ёнида чимматидан маҳрум беномус, ташқарида эса озор чекаётган муштипар она. «Қайлиғим иффатсиз чиқди»— дея кимга ҳам дод солсин. Бахтсизлигини энди у одамлардан қандай яширсин. Умрида бировни алдаб кўрмаган ростгўй йигит гарданига бирданига оғир юк тушгани ёмон бўлди. Бу фожиани бировга айтса номусдан уялади, айтмаса, ўйлайвериб ўзи адо бўлади. Шу сафар ҳақиқатни яширса, кейин у умрида рост сўзламаслиги керак.

Эҳ, Нигора! Нима қилардинг бировларни ўтга ташлаб, Хуршидабону қарғишига қолиб. Ўйламай-нетмай бир арслон келбат йигитнинг қаддини эгиб қўйдинг. Энди у бу аҳволда сени ёмон кўздан, ҳаёт ташвишларидан ҳимоя қила олармикан? Изласанг, ўз тенгинг топилар эди-ку!

Кўнгил кўзгуси чил-парчин синган. Умар қанча ўйламасин барибир Нигорани уйига жўнатиб юборишнинг иложини қила олмади. Аёл зотига ҳамиша қалб тўла муҳаббат билан боқиб келган бу кўзларни нафрат пардаси қоплади. Қувноқлик ўрнини ғам-алам, ишонч ўрнини ишончсизлик эгаллади. Энди қачон ва қайси бегубор фаришта Умарнинг букилган қаддини тиклаб қўяди. Алданган юрагига ишончни қайтариб беради энди?!

Давлат МУРОД.

ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

Уч нарсани уч нарса билан топиб бўлмайди:

1. Бойликни орзу билан;
2. Ёшликни пардоз-андоз билан;
3. Соғлиқни дори-дармон билан.

Уч хил кишига яхшилик қилиб бўлмайди:

1. Дангасага, унга қанчалик яхшилик уруғини эксанг ҳам ҳосил бермайди.
2. Орсиз-ҳаёсиз кишиларга, уларга яхшилик қилсанг, буни тушуниш, раҳмат айтиш ўрнига, мендан қўрққанидан қилаяпти деб ўйлайди.
3. Аҳмоқлар қилинган яхшиликнинг қадрини билмайди, фарқига ҳам бормайди.

Инсонларга ҳақиқий дўст бўлиш — ақилнинг ярми;

Билмаган нарсани одоб билан сўраш — илмнинг ярми;

Чиройли тадбир қилиш — бу имтиҳон, ҳаётдаги бахтнинг ярми.

Уч тоифадаги кишилар одамларнинг энг бахтлисидир:

1. Қалби илмга ташна кишилар;
2. Жисми сабр қилувчи кишилар;
3. Борига қаноат қилувчи кишилар.

Тўрт нарса тўрт нарсани келтиради:

Сукут — саломатликни, яхшилик — тинчликни, саховат — буюкликни, қаноат — зиёдаликни.

НАЗЗОРА ҚИЛ

Навоийга ўзҳшатма

Эй жафокорим келиб, ҳолимга бир наззора қил
Доғи ҳижронда қолиб, куйган дилимга чора қил.
Келмас эрсанг тиғ отиб, етказ жароҳат жонима,
Ёки улдир бир йўла, сўнг бошим узра нола қил.
Мен тирилгум шу заҳот ўтли фиғонинг шаштидан
Гар тирилмас ногаҳон лутфу карам мен зора қил
Неча йил пинҳон аламдан таҳбатоҳ қондир дилим
Ичга ютган ҳалқа-ҳалқа кўз ёшимни жола қил.
Гар гуноҳим бўлса майли, зарра шафқат қилмагин,
Қонга тўлган бу дилим қонин сочиб, фаввора қил.
Лекин отма таъна тошин эзгиланган кўнглимга,
Таънадан озурда кўнглимга назар бир бора қил.
Қурбоной иқболи бахтин истасин эт бағритош,
Тарк этиб, жабру жафони, мен зорга ўзни ёра қил.

Э, КЎНГИЛ...

Э, кўнгил, ёр севмоқ эрсанг оқилу донони сев,
Берма дил ҳар кимга сен чин ошиқи шайдони сев.
Ишқ боғидек муқаддас, боғ топилмас эл аро
Пок ният бирла кириб, боғ ичра бир танҳони сев
Гулшан ичра турфа ранг гул сенга жилва қилса гар,
Боқма зинҳор унга сен гулзор аро ранънони сев.
Ишқ-муҳаббат қадрини ер бирла яксон этгучи
Кимсалардан қоч йироқ, ҳулқи гўзал барнони сев.
Чин гўзаллик ташқи тошда зоҳир бўлмас ҳеч қачон,
Учмагин ҳуснига зинҳор, қалби пурмаънони сев.
Севгида поклик, садоқат Қурбоной истар эсанг,
Ҳам латофат, ҳам назокат бобида аълони сев.

Қурбоной УБАЙДУЛЛАЕВА

"ЖУРАБЕК"

"ЖЎРАБЕК" ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ ЧОРЛАЙДИ!

Бугунги кунда аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида *"Жўрабек"* хусусий дорихонаси жаҳондаги кўплаб фармацевтика саноати корхоналари, фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Англиянинг *"Стерлинг Хелс"* фирмасидан ҳарид қилинган оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи *"Панадол"* дорисининг саккиздан ортиқ тури чақалоқдан тортиб то кекса беморларгача даволашда бебаҳо малҳам бўлмоқда.

Panadol Tablets

ҲУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!

Дори-дармонлар танқис бўлиб турган бугунги кунда Сиз учун фақат "Жўрабек" хусусий дорихонасигина дунёнинг исталган бурчагидан дардингизга малҳам бўладиган зарур дори-дармонларни топиб, етказиб бера олади!

ДОРИХОНАМИЗ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "Бешёғоч" маҳалласи, Олмазор кўчаси, 165-уй. Телефон: 45-60-40, факс: 45-41-46.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ОЛИМПИАДАГА ЙЎЛЛАНМА ОЛГАНЛАР

Республикамиз пойтахти бир ҳафта мобайнида ўзига хос катта спорт нафаси билан яшади. Мамлакатимизда бу йил ўтказилган йирик халқаро мусобақалар сирасига кирувчи Осиё бокс чемпионати ҳам якунланди. «Алпомиш» спорт саройи деярли ҳар куни минглаб ишқибозлар эътиборида бўлди. Ҳа, Осиёнинг зарби зўр йигитлари курашини томоша қилишни ким истамайди, дейсиз.

19 мамлакатдан келган 146 нафар боксчи Осиё чемпиони бўлиш ҳамда олимпиадага бориш ҳуқуқини қўлга киритиш учун маҳорат кўрсатди. Мусобақада Ўзбекистон боксчилари барча вазнлар бўйича баҳсга шайланган эдилар. Лекин 12 нафар боксчимиздан олтовлони ярим финал юзини кўришди. Мусобақа босқичдан-босқичга муросасиз тус олгани учун финалга тўрт боксчимиз чиқда. Зеро, 60 килограмм вазнли Муҳаммадқодир Абдуллаевга кўпчилик умид боғлаган эди. Ҳаммаси кураш пайтида ойдинлашади деганларидек, курашни деярли тенг олиб борган вакилимизга бор йўғи тўртта зарба етмай қолди. Мўғул боксчиси Ютимен Тумепсетсег 15:12 ҳисобида галаба қозониб, олтин медални «илиб» кетди. Лекин бу мағлубият ҳисобини Наримон Отаев ўз маҳорати билан тўлдирди, десак бўлади. 67 килограмм вазнли бу боксчининг номи мухлисларга ёд бўлиб кетди. У қозоқ боксчиси Нуржон Исмонов билан курашиб, рақибини икки марта нокдаунд ҳолатига солиб, 14:7 ҳисобида галабага эришди. Бундан буён Дилшод Ёрбеков дейилса, мухлислар чеҳрасида мамнуният пайдо бўладиган бўлди. Чунки у Осиё чемпионатида накаутчи бўлиб танилди. Зарби зўр Дилшодга финалда афсуски, курашиш насб этмади. Эрон йигити Сафио Мулат ҳал қилувчи учрашувдан бош тортди. Ҳакамлар Ёрбековнинг қўлини баланд кўтардилар. Шунга ўхшаш 91 килограмм вазнли боксчимиз Руслан Чагаев ҳам ҳаммани қувонтирди. У ҳиндистонлик Сингх Лархани 16:1 ҳисобида доғда қолдирди. Шундай қилиб, уч боксчимиз Осиё чемпиони бўлиб, олтин медаль олдилар. Бир йигитимиз кумуш медаль билан қаноатланди.



Осиё чемпионатида қозоқ оғаларимизнинг омадлари келди. Улар олтита олтин медалли бўлишди. Жумладан, Болот Жумадилов, Бахтиёр Телеганов, Болот Ниёзимбетов, Ермахон Ибрагимов, Василий Жиров, Бектос Абубакировлар голиблик супасининг биринчи поғонасини банд этдилар. Шунингдек, таиландлик Самрот Камсинг билан эронлик Муҳаммад Ризо ҳам ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди. Мусобақа якунида Осиё ва жаҳон ҳаваскорлик бокс уюшмасининг Президенти Анвар Чаудри билан мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси, Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков халқаро мусобақанинг аҳамияти, боксчиларнинг маҳорати ҳақида сўзладилар. Умумжамоа ҳисобида қозоғистонликлар биринчи бўлишгани эълон қилинди. Ўзбекистон ва эрон вакилларига иккинчи ва учинчи ўрин берилди. Дилшод Ёрбеков эса «Энг яхши боксчи» деб тан олинди. Мусобақа мухлисларда унутилмас таассурот қолдирди.

М.МИРАБЗАЛОВ.

Суратда: Наримон ОТАЕВ рингда. Алишер РИСҚИЕВ олган сурат.

АДОЛАТ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Тўхтамурод ТОШЕВ

Бизнинг манзил: 700000, Тошкент — ГСП, Матбуотчилар кўчаси — 32. Қабулхона — 33-41-89, 32-55-70

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Газета офсет усулида, А — 2 форматда чоп этилди.

Буюртма Г. — 0477 «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6